

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

ҒАЗАЛАР

Форсийдан
Ҳаёт Неъмаг
Самарқандий
таржимаси

TOSHDO`TAU




0000002255

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

ҒАЗАЛЛАР

Форсийдан
Ҳаёт Неъмат Самарқандий
таржимаси



ТОШКЕНТ
2008

انتشارات بین‌المللی الهدی
تهران - صندوق پستی ۴۳۶۳-۱۴۱۵۵
تلفن: ۶۴۰۶۲۶۱ فاکس: ۶۴۰۶۲۴۰



- « نام کتاب غزلیات جامی - ترجمه منظوم به ازبکی
« تهیه کننده رایزنی فرهنگی جمهوری اسلامی ایران در ازبکستان
« ناشر انتشارات بین‌المللی الهدی
« به اهتمام دکتر حبیب صفرزاده
« مترجم حیات نعمت سمرقندی
« ویراستار دکتر جعفر محمد خالمؤمن اف
« طراحی و صفحه آرایی حسن ثابت جو
« نوبت چاپ اول
« زمان انتشار اردیبهشت ۱۳۸۷
« شمارگان ۱۰۰۰ نسخه
« شابک ۸ - ۳۳۵ - ۴۳۹ - ۹۶۴ - ۹۷۸

*Ишқу қон ютмоқ эрур шеърим баёни, Жомийё,
Бул газал девонимас, девони аъмолим эрур.
Жомий*

НАЗМНИНГ УЛКАН ҲАЙКАЛИ

Ўзбек адабиётининг асосчиси, туркий шеърятнинг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий ўзига пир деб эътироф этган, “Пири Жом”, “Махдуми Нуран” номлари билан шуҳрат қозонган, теурийлар замонасидаги тенги йўқ шоир, адиб ва мутафаккир, нақшбандия тариқатининг пешвоси Мавлоно Нуриддин Абдурахмон ибн Низомуддин Аҳмад ибни Шамсуддин Муҳаммад Жомий 1414 йил 7 ноябрида Жом вилоятининг Харгард қишлоғида дунёга келган.

Ёш Абдурахмон 4 ёшида мактабга бориб, қисқа муддатда Қуръони каримни ёд олиб, араб ва форс-тожик адабиётини чуқур ўрганди. Абдурахмоннинг асосий мураббийси — отаси Низомуддин Аҳмад ўғлининг ноёб қобилиятини сезиб, ўша даврда илм-маърифат маркази бўлган Ҳирот шаҳрига оиласи билан кўчиб келади. 11 яшар Жомий Ҳиротнинг Низомия ва Дилкаш мадрасаларида ўз таҳсилни давом эттириб, Мавлоно Жунайди Усулийдан араб тилидан, ўша даврнинг машҳур олимлари — Хожа Али Самарқандий ва Шаҳобуддин Муҳаммад Жожармийдан ҳикмат ва мантиқ илмларидан сабоқ олади. Унинг илм эгаллашда қобилият ва истеъдодидан шунчалик кучли эдики, мадраса мударрислари унга дарс беришдан ожизлик қилар эдилар.

Жомий йигирма ёшида нужум илмига доир бир шарҳ ёзиб, Самарқандга, Мирзо Улуғбек расадхонасига юборади. Ўша даврнинг машҳур мунажжими Мирзо Улуғбек ва устози Қозизода Румий мазкур шарҳ билан танишиб, шарҳ муаллифини Самарқандга чақирадилар. 1436 йили Жомий Самарқандга келиб, Улуғбек мадрасасида Қозизода Румий ва фақиҳ Фазлуллоҳ Абулайсийдан таълим олиб, ўзининг нужум, ҳайъат, фалсафа, ҳисоб илмларига доир билимини такомиллаштиради.

1452 йили Абдурахмон Жомий Ҳиротга қайтади ва даврининг Хуросондаги нақшбандия тариқатининг буюк пешвоси Хожа Аҳрори Валийнинг устози Саъдуддин Кошғарий (ваф. 1456 й.) билан танишиб, нақшбандия тариқати таълимотидан баҳраманд бўлади ҳамда устози вафотидан сўнг, бутун Хуросон ўлкасида шу тариқатнинг пешвоси бўлиб қолади. Жомий Саъдуддин Кошғарийнинг

қизига уйланиб, 4 нафар ўғил кўради. Улардан 3 таси эрта вафот этиб, фақат учинчи ўғли Зиёвуддин Юсуфгина отаси вафотидан кейин ҳам яшайди.

Абдурахмон Жомий етти маротаба турли мамлакатларга сафар қилиб, Самарқанд, Тошкент, Фороб, Марв каби даврининг машҳур марказларида бўлади. 1472 йили у ўзининг узоқ муддатли сафарини ҳаж зиёратидан бошлаб, Нишопур, Сабзавор, Бастом, Домғон, Қазвин, Ҳамадон, Бағдодга шаҳарларига саёҳат қилади ҳамда ушбу шаҳарларнинг илму адаб намояндалари билан яқиндан танишади. Сафар чоғида Яқин Шарқ мамлакатларининг подшоҳлари, Ироқ подшоҳи ва Туркия султони унга катта ва чексиз иззату икром кўрсатиб, қимматбаҳо совғалар инъом этадилар ва ниҳоят 1478 йилда Ҳиротга қайтиб, аввал Ҳирот жомеъ масжидининг яқинида истиқомат қилиб, сўнг Ҳиротнинг Хийбон мавзесига кўчиб ўтади ва умрининг охиригача шу ерда яшаб, 1492 йил 9 ноябрида оламдан кўз юмади.

Жомий вафотига бутун Ҳирот халқи мотам либоси тутади. Шоирнинг жасадини пири Саъдуддин Кошғарий қабри ёнига дафн этадилар. Дафн маросимида унинг садоқатли шогирди ва меҳрибон дўсти Мавлоно Мир Алишер Навоий бош-қош бўлади. Шоирлар Жомий вафотига атаб оташин ва ғамангиз марсиялар ёзадилар. Ўша вақтда шогирди Алишер Навоий томонидан ёзилган марсия воқеалар тўлиқ ифодаланган ва таъсирчан марсиялардан бири сифатида форс-тожик адабиётининг ноёб дурдонаси бўлиб қолди. Унда шоир устозининг дафн маросимини тасвирлаб, шундай ёзади:

*Ба намозат, ки ҳазорон зи башар пайвастанд,
Сад ҳазорон зи малоик ба ҳаво саф бастанд.*

Яъни, “жаноза намозингга неча минглаб ҳалойиқ йиғилиб, ҳавода эса юз минглаб малак-фаришталар сени кутиб олмоқ учун саф тортиб турмоқдалар”.

Алишер Навоий улуғ устози қабри устига олий ва ҳашаматли мақбара қурдиради. Ушбу мақбара ҳозирги кунда ҳам Ҳирот шаҳрида Тахти Мазор номи билан мавжуд бўлиб, жаҳон маданият аҳлининг зиёратгоҳидир.

Нуриддин Абдурахмон Жомий Хуросонда темурийлар Шоҳруҳ Мирзо, Абулқосим Бобур, Абу Саъид Мирзо ва ниҳоят Ҳусайн Бойқаро подшоҳлиги даврида яшади. Хуросонда Ҳирот тахтига темурий султон Ҳусайн Бойқаро ўтирганидан сўнг, Жомийнинг мамлакатдаги мавқеи жуда ортади, чунки султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг авлоди ўзларини унга мурид деб, эълон қиладилар.

Жомий подшоҳлик ишларида ҳам баъзан ўз маслаҳатлари билан қатнашиб турган, халқ ва мамлакат осойишталигига ўз ҳиссасини қўшган эди. Чунончи, Навоий Ҳусайн Бойқаро саройида бош вазир бўлар экан, ўз сиёсий ва ижтимоий фаолиятида Жомийдан кўп маслаҳатлар олиб турган. Султон Ҳусайн Бойқаро Қундуз вилоятига юришга отланмоқчи бўлганда, Жомий Навоийдан подшоҳни бу сарфрандан қайтаришни илтимос қилган. Саройдаги фитна ва фужурлар Навоийнинг жонига тегиб, у ўз вазифасидан кетмоқчи бўлганда, Навоийдек халқпарвар арбоб саройдан кетса, халқ ва мамлакат аҳволи янада оғирлашишини яхши тушунган ҳолда, Жомий Навоийни бундай қарордан воз кечтирган.

Нуриддин Абдураҳмон Жомий ўзидан бизга улкан ва ранг-баранг адабий ҳамда илмий мерос қолдирган буюк мутафаккирдир. Баъзи олимлар унинг асарларининг умумий сони 100 га яқин деб тахмин қиладилар. Алишер Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” номли асарида унинг 38 асарини номма-ном санаб кўрсатади.

Жомийнинг ижодий фаолияти кўпқирралидир; у фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига ҳамда назм ва насрнинг турли жанрларига доир соҳаларда баракали ижод қилган ва кўпроқ Шарқ халқлари маданияти тарихида гениал шоир ва мутафаккир олим сифатида шуҳрат қозонган. Кейинги давр адабиётшунос олимлари уни “Хотимат уш-шуаро” номи билан улуғлаб, форс-тожик адабиётининг илк тараққиёт даврига (X-XV асрлар) яқун ясаган буюк мутафаккир, улуғ шоир деб атайдилар.

Абдураҳмон Жомийнинг бадиий асарларидан Низомий Ганжавий, Амир Хусрави Дехлавий “Хамса”лари пайравлигида ёзилган, аммо дostonлар сонини еттига етказган “Ҳафт ранг” (“Силсилат уз-заҳаб”, “Саломон ва Абсол”, “Тўхфат ул-аҳрор”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун” ва “Хирадномаи Искандарий”), “Баҳористон” ҳамда уч шеърӣ девон (“Фотиҳат уш-шубоб”, “Воситат ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт”) ва кўпгина илмий асарлари бизгача тўлиқ етиб келган.

Жомий “Силсилат уз-заҳаб”, “Тўхфат ул-аҳрор”, “Сабҳат ул-аброр”, “Хирадномаи Искандарий” каби асарларида юсак хулқ-атвор ғояларини тарғиб қилиб, кишиларни ватанпарварликка, ўзаро ёр-биродар бўлишга, аҳилликка, инсоф ва одилликка, сахийлик ва ҳимматлиликка, тўғрилиқ ва ҳалолликка чақиради. “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Саломон ва Абсол” дostonлари, уч девонидаги шеърларининг асосий қисми ишқӣ мавзуда ёзилгандир.

Жомийнинг энг севимли мавзуларидан бири маърифатни куйлаш ва диний жаҳолатга, шариат ниқобидаги зарарли бидъатларга қарши курашишдир. У ўз даврида Нақшбандия тариқатининг пешволаридан бири сифатида виждонсиз, ҳийлагар дин арбобларини, тамаъгир, қалбаки сўфию шайхларни аёвсиз ҳажв остига олиб, жумладан, ўз ғазалларида шундай дейди:

*Фигон з-аблаҳи ин харони бедуму гўш,
Ки жумла шайхтарош омаданду шайхфурўш.*

Таржимаси:

*Дум-қулоқсиз эшаклар аблаҳлигидан учди хуш,
Барча келди шайхтарошу барчасидир шайхфурӯш.*

Ёки:

*Шайхи худбин, ки ба ислом баромад номаш,
Нест жуз зарқу риё қоидаи исломаш.*

Таржимаси:

*Шайхи худбинки, чиқарди ислом бирла номини,
Макру ҳийла ўзгамас, қилди ниқоб исломини.*

Юқорида Мир Алишер Навоий Жомийни ўзига пир деб, эътироф этганлигига ишора қилиб ўтган эдик. Дарҳақиқат, 1476 йил Мавлоно Низомуддин Мир Алишер Навоий Нуриддин Абдураҳмон Жомийни расман ўзига пир деб қабул қилади. Жомий билан Навоийнинг ўзаро дўстлашуви ўзбек ва форс-тожик халқлари адабиёти ва маданияти тараққиётида катта воқеадир. Гарчи Жомий Навоийдан салкам ўттиз ёш катта бўлиб, расман пир ҳисобланса ҳам, моҳият эътибори билан улар чин дўст ва ҳамкор бўлганлар. Жомийнинг ҳам, Навоийнинг ҳам энг яхши асарлари яратилишида икки буюк адибнинг маънавий яқинлиги катта ижобий рол ўйнаган.

Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот ул-унс”, “Баҳористон”, “Сабҳат ул-аброр”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Хирадномаи Искандарий” каби асарларида Навоийни, Навоий эса “Хамса”га кирган достонларида, “Хамсат ул-мутаҳайирин”, “Мажолис ун-нафоис”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби асарларида Жомийни ҳурмат билан тилга олади.

Жомий “Нафаҳот ул-унс”, “Лужжат ул-асрор”, “Ашиъат ул-ламаъот”, “Рисолаи мусиқий”, “Рисолаи муаммо” каби асарларини Навоийнинг илтимоси билан ёзган бўлса, Навоий ҳам “Тухфат ул-афкор”, “Ҳайрат ул-аброр” каби асарлари ва бир қанча ғазалларини ёзишда бевосита Жомийдан таъсирланган.

Жомий ҳар бир асарини тугатганидан сўнг камтарлик юзасидан уларни аввало истеъдодли шогирди — Навоийга кўрсатар экан. Бу борада Навоий “Ҳамса”сининг биринчи достони - “Ҳайрат ул-абро-р”нинг Жомийга бағишланган XIII бобида шундай ёзади:

*Номағаким, роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин.*

Алишер Навоий “Ҳамса”ни ёзишни бошлашдан аввал, устозидан — Жомийдан мадад сўраб, юқорида зикр этилган бобда жумладан шу мисраларни битади:

*Ботин ила қилмаса ул икки рад,
Зоҳир ила бу бири қилса мадад.*

Яъни, “ботиндан — ғойибдан ул икки — Низомий Ганжавию Амир Хусрав Деҳлавий рад қилмасалар ва зоҳирда — ҳозирда бу бири, яъни Жомий қилса мадад”.

Мавлоно Мир Алишер Навоий форсий девонидаги Жомийга пайравлик — татаббуъ қилган бир ғазалининг мақтаси — охириги байтида шеър таълимини асосан Жомийдан олганлигига ишора қилиб ўтади:

*3-ин назми нав чархи куҳун якбора, гў, ҳайрат макун,
Фоний чу таълими сухун дорад зи Жомий борҳо.*

Мазмуни: “Эй кўҳна дунё! Бу янги — тоза ва гўзал назми кўриб ҳайрон бўлма, чунки Фоний — Навоий сўз таълимини Жомийдан олгандир”.

Алишер Навоийнинг Жомийга ихлоси ва меҳру муҳаббати шунчалик юқори эдики, у нафақат форсий девонидаги кўпгина ғазалларида Жомийга эргашганини, балки айрим ўзбек тилидаги ғазалларига ҳам Жомийнинг форсий байтларини сўзма-сўз таржима қилиб киритганлигини кўрамиз, чунончи Жомий:

*Зери лаб нуқта бувад расм, чаро
Нуқтаи холи ту болои лаб аст?*

Навоий:

*Нуқтаи холинг недин ширин лабинг устидадир,
Нуқта чун остин бўлур, ҳар қайдаким, ёзилса лаб.*

(Ғароиб ус-сиғар. —Т., 1959, 65-бет).

Алишер Навоийнинг маълумотига кўра, Жомий ўзбек тилини чуқур билган. У ўзбек тилида ижод қилмаган бўлса ҳам, ўзбек ха-

лқи адабиёти ва маданияти учун Мавлоно Мир Алишер Навоийдек оламшумул буюк адибни тарбиялашда катта ҳисса қўшган.

Нуриддин Абдурахмон Жомий Рўдакий, Фирдавсий, Румий, Носир Хусрав, Хайём, Низомий, Саъдий ва Ҳофиз адабий анъаналари асосида тарбияланган бўлса, ўз замонасидаги ва кейинги авлод форс-тожик шоирлари — Ҳотифий, Ҳилолий, Восифий, Сайидо, Соиб, Нозим, Ҳозиқ, Шоҳин, Аҳмад Дониш, Туғрал, Садриддин Айний ва бугунги шоирлар Жомий мактабида вояга етганлар.

Нафақат форс-тожик шоирлари, балки бошқа миллат адабиёти вакиллари — ўзбек, озорбайжон, туркман, урду, турк, қозоқ, гуржи ва кашмир шоирлари (Навоий, Фузулий, Огаҳий, Муқимий, Махтумқули, Абай...) Жомийга пайравлик қилиб, ўз миллий адабиётларида унинг анъаналарини давом эттирдилар.

XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошида Абдурахмон Жомий ижодиёти ғарб мамлакатлари олим ва таржимонлари диққатини ўзига тортиб, катта қизиқиш уйғотди. Унинг кўпгина асарлари ғарбнинг асосан уч тилига таржима қилинди. Шу жумладан:

Француз тилига: “Лайли ва Мажнун” (А.Чези. Париж, 1805, 1822 й.), “Нафаҳот ул-унс” (Селвестер де Саси, Париж, 1821 й.), “Баҳористон” (Селвестер де Саси, Париж, 1825 й.), “Саломон ва Абсол” (Гаржин де Тасен, Париж, 1850 й.), “Юсуф ва Зулайхо” (А.Брикту, Париж, 1927 й.).

Немис тилига: “Лайли ва Мажнун” (Ҳартман, Лейпсиг, 1807 й. Т.Шак, Штутгард, 1890 й.), “Юсуф ва Зулайхо” (В.Розенсвейг, Вена, 1824 й.), “Баҳористон” (О.Шлеха-Вссерд, Вена, 1864 й.).

Инглиз тилига: “Тухфат ул-аҳрор” (Ф.Фалконер, Лондон, 1848 й.), “Сабҳат ул-аброр” (Ф.Фалконер, Лондон, 1849 й.), “Саломон ва Абсол” (Ф.Фалконер, Лондон, 1850 й.; Э.Фитсжералд, Кембриж, 1856 й.), “Нафаҳот ул-унс” (В.Нассау Лис, Калкатта, 1859 й.), “Рисолаи қофия” (Х.Блочман, Калкатта, 1872 й.), “Юсуф ва Зулайхо” (Т.Грифе, Лондон, 1882 й.; Ж.Рожерс; Лондон, 1892 й.), “Баҳористон” (Э.Винфилд, Банорас, 1887 й.), “Лавоеҳ” (Э.Финфилд. Лондон, 1906.).

Қуйида форс-тожик шеърояти ихлосмандларига Абдурахмон Жомийнинг биринчи девони - “Фотиҳат уш-шубоб”дан 120 та ғазалнинг ўзбек тилидаги таржимаси тақдим этилади.

Ҳаёт Нёмат Самарқандий

* * *

Қанча бўстонга сени излаб келай мисли сабо,
Менга кўрсат бир йўл, эй сарви сиҳи, қадди расо.

Танда нилгун кўйлагинг-ла айла бўстонга хиром
Узса токи шавқдан гул эгнидан нилгун қабо.

Богбон йўлингга кош, тўкса гулу савсанларин,
Ҳайф эрур ерга аёгин қўйса сендек дилрабо.

Сарв жойидур ариқ бўйи, сенинг жойинг кўзим,
Оллоҳ, оллоҳ, фарқ қанча, сен қаерда, сарв ё?

Гул юзинг шавқи ила булбул каби қилсам фигон,
Ушбу нола бирла фарёдим эмас боди ҳаво.

Тоза сув янглиғ қара гул юз ила, то билсалар
Не сабабдан доимо излар сени аҳли сафо.

Сен билан Жомий ҳавас айлар гулистон сайрини,
Аммо қандай сарвга ҳамроҳ бўлар шохи гиё?



* * *

Ой юзингсиз мишжадан тўкилгай ёш-кавкаблари,
Ушбу кавкаблар ила тимқора умрим шаблари.

Ўтди чун ўтли дилимдан тигларинг пайконлари,
Бўлди пайкон бўсасидан пурсилдоқдек лаблари.

Бас гирифтормлар сенинг кўйингда ўлди барчаси,
Бўлса барча жону қолган тупроғи қолаблари.

Дедим, ҳижрон тобу тафтидан висолинг сўзини,
Беҳуда сўзимга боис бўлди тобу таблари.

Ғамзадин токи чиқординг қон тўкарга қўлларинг,
Дастингдан ҳар дам кетар гардун сари “ё раб!”лари.

Барча ёқутхат йўқолди, энди раънолар ҳама,
Лабларингдан ўрганар имлою хат мактаблари.

Жомийки, мазҳаб дея, кезди жаҳон атрофида,
Кечди ишқинг мазҳабила, ўзгариб мазҳаблари.



* * *

Мени хор этгандан ишқинг, сийнам ичра хорлар,
Очилур ҳардам юзумда хордин гулзорлар.

Баски чанг ўлди фиғону нолаам, эгилди қад,
Тўқди киприк этагимга ашқини чун торлар.

Қўй қадам бўстон сари, шавқингда гул ўз қўйлагин
Айлагай юз пораю қон-ла ювар рухсорлар.

Боғ аро қилсанг гузар, сарву санавбарларга боқ,
Бир боқиш орзусида боши ошар деворлар.

Зоҳид ар масжид сари, ҳожи биёбон кезса гар,
Қайда майнинг суҳбати, анда бу сўз бекорлар.

Жонимни ҳардам сотиб, мен бўса олсам нархига,
Менки, бир девонадирман, менда кўп бозорлар.

Айладинг хасни қабул, мен рашқин ўлдим, вале,
Ўлса бир бор кимса гар, Жомий гариб кўп борлар!



* * *

То мушқдан гул баргига сен урдинг рақамлар,
Васфингни этарга синиб кетди бу қаламлар.

Ҳаргиз дилим эрмас жудо сенсиз бу жаҳондан,
Эй, лутфларинг қоидаси таскини аламлар!

Ишқинг лашкари ичра эрур алп асирлар,
Диллар ўтидан унда эрур гарди оламлар.

Ҳар бир ситамингдан караминг келди ўзга навъ,
Айлаб бу хаста дилларга у ўзга карамлар.

Эрди илгари барча гўзаллар гами дилда,
Озод бўлдим ғамларингдан, кетди бор ғамлар.

Топди гуноҳин тигинг тўкиб ўзгалар қонин,
Ўз ошигингга бу гунаҳдин то кай ситамлар?

Соҳибназарлар ўз назарин Жомийга қилди,
Ул кунки, сенинг йўлингдадир хоки қадамлар.



* * *

Зулфларинг айлаб парешон ойга мушки нобни,
Синдириб шох, ерга ташлар сунбули серобни.

Икки қошинг бирла масжидга келиб кўргин кейин,
Орқани қибла томону ўз юзин меҳробни.

Пистани то ул лабу оғиз илан тутқазди ком,
Кўнгли тор бўлди бу маънидан улул-албобни.¹

Хоки пойинг бошим ости бўлсин, ё уйқум ҳаром,
Билмасам гар давлати бедор мен ул хобни.

Бўлмагай ҳаргиз муҳиблар қатлидан гамзанг малул,
Қон тўкардин ҳеч малол келгаймикан қассобни?

Ҳеч бобдин сифмагай роҳат дилимга ҳеч қачон,
Унга пайкондин очиб қўй эшик фатҳул-бобни.

Жомий, хуш назмингдин ўзга йўқ эрур дилкаш кўшиқ,
Бул кўшиқ-ла вақтини хуш айлагин аҳбобни.



¹ Улул-албоб – ақл эгаси, хушли, эсли.

* * *

Мен на танҳо истарам хубларни-шаҳрошӯбни,
Кимса борми, истамас шаҳрида рӯи хубни?

Тебраниб оҳиста ўт Канъон томонига, насим,
Бер Юсуфнинг кўйлагидан мужда ул Яъқубни.

То баланд қадинг кўрибман, дил жафосига бериб,
Марди оқил кўрса хубдир бул дарахтдан чўбни.

Номага дарж этма де, котибга, кўнглим дардини,
Ушбу юкнинг тоқати йўқдир бирор мактубни.

Баски лашкарнинг сафин буздинг, жафо Рахшани кўй,
Шарт эмасдур қувламоқ ул лашкари мағлубни.

Намли кўзга ўй келмас кўпгина тун-кечалар,
Гарчи голиб уйқу келгай мардуми мартубни.²

Кеча хоки пойингга юз завқ ила сурдим мижгон,
Деди Жомий, бўлди чанг, оҳиста ур жорубни.³



2 Мартуб – мижози совуқ.

3 Жоруб – супурги.

* * *

Кўл-оёғин қанча ўпсам қосиди ул ёрни,
Бахтли ул соатки, топсам давлати дийдорни.

Таъна урса ёр унутмоғимни, ҳеч қисса эмас,
Чунки ёди-ла унутдим душмани ағёрни.

Ўқидим ғамли туморин усиз, аммо бўлди чун
Номаси жонга бадал, кездим ўшал туморни.

Кўрдим озорлар ўшал юздин йироқ, истар дилим
То йироқлик шарҳ ила у қувласа озорни.

Аммо ул хотир эрур нозик, билолмам не қилай,
Ё кам ул гуфторга дарж ё дарди дил бисёрни?

Бандаи Жомий дуо айлар, чу келмас бошқа иш,
Чун дуоғўйликдин ўзга йўқ иш хизматкорни.

Номуродларнинг муроди доимо ел келтирур,
Ул муроди чун мадордир гунбади давворни.



* * *

Ким у, то берса хабар ушшоқдин ул ёрни,
Ҳамда эслатса унуткондин фаромўшкорни.

Ҳажри ғамнинг захмидан озурда бўлди дил, қаер
Олса то дилдан висолинг марҳами озорни.

Қонли ашкимдан қизилдур юзларим халқ олдида,
Ҳақгузорлик не қилай бул дидаи хунборни?

Ул сабаб қон йиғлайинким, ғарқай қон яхшидур,
Кўз қани, то бўлса лоиқ давлати дийдорни.

Деди ўтган йил у ойким, боқаман сенга бу йил,
Ушбу йил ҳам уйқуда излай ўшал гуфторни.

Мен итин номин ўзимга ориятга танладим,
Давлати расми каби этсам писанд ул орни.

Айрилиқ ёстуғида Жомийни кўрди чун табиб,
Деди, ўлмасдин бўлак йўқ чора бул беморни.



* * *

Ёритарсан гул каби рухсори оташнокни,
Соласан хирмонга ўт ҳар бир хасу хошокни.

Ақлни ёритса ҳуснинг жавҳари асли агар,
Боғламас ҳайрат ниқобин дийдаи идрокни.

Кўйлагинг остида жисминг жони покдир аслида,
Офарин бўлсин ангаким, тузди бундай покни!

Итларинг олдига ташла, камтарин сайдинг ўзим,
Бўлмасам лоиққи, этсам олуда фитрокни.⁴


Бўлди жоним тўни чок, сен кўйлагингдан бергил ип,
То бу ип бирла тикиб бўлса ямоқ ул чокни.

Ташла хиргаҳ доманин, сен, эй хиргаҳ ойим менинг,
Йўқса, оҳим куйдирар ул хаймаи афлокни.

Йўлларингда бўлди тупроқ Жомию, лек топмади
Ул шарафни, токи соя қилса сарв ул хокни.



13026



4 Фитрок — узангу.

* * *

Мутриб, бул кеч жўр айла нолам бирла чангни,
Ёндир яна ул ўт била куйдургувчи оҳангни.

Баски қилдим тошюрак ҳижронидан кўп ноалар,
Нола, афғонимдан дилни келтурди ул сангни.

Ёрдин олисман, боролмам кўйига, кўзёшларим
Қилди атрофимни дарё фарсангида фарсангни.

Розим охир фош бўлгай, не ниҳон халқдан тутай,
Чеҳраи зардим билан ул ашки олрангни.

Жисмин озори эрур бедиллар жон озорлари,
Аста боғла озгина белбоғ қабои тангни.

Тириг бирла жанг этар жон, дилга лутфинг айлагил,
Ўзга бир тир жонга сол, поёнга етказ жангни.

Ишқ шоҳидан тиларсан, Жомий, давлат туғини,
Торт расволик хатин фармони ному нангни.



* * *

Менки, хизмат айладим ҳар ринди дурдошомни,
Нега пухта деб билай ул зоҳид-шайхи жомни.

То ишқ истигноси-ла озод бўлдим орзудан,
Ўз муродимга топарман гардиши айёмни.

Ринду сўфий, орифу омий демангизларки, мен,
Шоҳиду майда йўқолдим, тоқатим йўқ номни.

Шаҳр шайхи, қил тамошо раънолар ҳуснинки, чун
Хос либосда бўлди зоҳир ул фиреби омни.

Ўргимчакдек тортади дом овламоққа пашшани,
Шоҳбозим қайда, то қўйса бузиб ул домни.

Муҳтасиб манъ этди майни, кўп тажовуз айлади,
Кеткизар бул феъли бирла равнақи исломни.

Ҳар ким ақлига муносиб топдилар ўз қисматин,
Зоҳидлар ҳийла либосин, Жомий эрса жомни.



* * *

Дилни жон қасдига тешдинг мен каби девонани,
Ўғри мол олмоқ учун албатта тешгай хонани.

Эй рақиб, элма дилинга холи меҳридан уруғ,
Зоеъ қилма бундан ортиқ хоро тошига донани.

Тур, дегил машшотага, зулфи сари йўл сенга йўқ,
Баски диллар сен учун беркитди йўл ул шонани.

Сийнани тирноғ ила уздим, кўйинга юзланиб,
Дарча очарман сенинг кўйинг сари вайронани.

Оқибат бегона бўлсам балки сендан, не илож,
Ошнодан ҳам кўра қадри баланд бегонани.

Ишқ якранглик тақозо айлагай, маълум эрур,
Йўқса шамъ не куйдирар ўзи каби парвонани?

Жомий ўздин кечди, кам қил қисса бутдан, эй рафиқ,
Уйқуда эшитгувчи, сен қисқа қил афсонани.



* * *

Хуш эрур нозинг сенинг, эй сарви гульзор менга,
Ишқ муҳтожи эрурман, ноз сақла, ёр, менга.

Демагил, бориб чаманга кўргил райҳон жилвасин,
Дил асирдур сенгаю ул ўзгада не кор менга.

Не чиқар боғ сайридану не очилгай гулдан ҳам,
Жоним ичра сендан юз минг бордир хор-хор менга.

Демагилки, ихтиёр бер ҳар на қилсам, аммо йўқ,
Ҳукминг олдида мажоли қувват, ихтиёр менга.

Сочу зулфинг занжири солгай оёғимга кишан,
Йўқса дилда бордир азми тарки бул диёр менга.

Лаъли лаблар жомидан бахш айла менга қатрасин,
Наргиси мастингки, ўлдирди андар хумор менга.

Ғусса, андуҳ дардидан мен шул сабаб хушман, Жомий,
Айшу шодлик софлигимим, эрмас хушгувор менга.



* * *

Оразингнинг нури хуршед бирла маҳ, басдур манга,
Манглайинг ойинаи бул субҳғаҳ, басдур манга.

Фойда не, гар бўлса меҳроб қошларинг, лек бир нишон
Гар саман отинг туёгин қўйса, ваҳ, басдур манга.

Менга не, гунча амал шохи муродим бермаса,
Боғлади қондан дилим гар таҳбатаҳ, басдур манга.

Қора зулфинг боши пурсилдоқдир рўйинг олдида,
Берса бундай бир нишон бахти сияҳ, басдур манга.

Янгиланса кўҳна ишқим гар, гуноҳқоринг бўлай,
Гулузоринг хаттидур узри гунаҳ, басдур манга.

Демагайман гоҳ-гоҳи бир назар кўнглимга сол,
Хуш кўзингдан гоҳ-гоҳе бир ниғаҳ, басдур манга.

Бода бирла, Жомийдек, қилгум далолат сўфига,
Хонақаҳда суҳбатинг бор гоҳ-гаҳ, басдур манга.



* * *

Сен билан бахтим менинг ҳамдам этолмайди мени,
Ҳам висолнинг уйида маҳрам этолмайди мени.

Айрилиқ ҳамда узоқлик фикри бирла шодман,
Ушбу дил дод хотири хуррам этолмайди мени.

Ўзгаларни айлагил васлинг ила хуррамки, мен,
Ошиқи ғамхораман, жуз ғам этолмайди мени.

Ҳажрингдан мен ўзга оламда истарман хонани,
Бул жаҳон сув-тупроғи маҳрам этолмайди мени.

Таскин бермоқчи бўлиб бул хаста кўнглумга табиб,
Қилди юз марҳам, вале марҳам этолмайди мени.

Бўлмагай ишқ оташидан чора ўзга сабрдин,
Қанчалар кўрдим синаб, бул ҳам этолмайди мени.

Ҳар нафас, Жомий, менга қил офият афсунини,
Ҳу бало-ла қилдим бул дам этолмайди мени.



* * *

Эйки, қошингни чимирдинг, бу не ҳол бордур сенга,
Гўё аҳбоб суҳбатидан юз малол бордур сенга.

Ҳуснингга танҳо сабаб эрмас хату холинг санам,
Ишқимиздан ҳам бу асбоби жамол бордур сенга.

Ташналарга меҳр айлаб, сувларингдан қатра бер,
Эйки, манзил ёнида оби зулол бордур сенга.

Дилда бордир менда ранжу гуссалардан кўп малол,
Токи, ҳар бир сифлада ғамза, дилол⁵ бордур сенга.

Сенсиз бўлдим мен хаёлий, лек хаёлингга келмас,
Ҳаргиз бул маънида охир не хаёл бордур сенга.

Йўқдир умид бол-қанотимдан бир ўзга менда йўл,
Узмагин болу паримниким, увол бордур сенга.

Жомий, қилма андиша ишқ тубининг қирғоғидан,
Чунки чиқмоқ ушбу гирдобдан маҳол бордур сенга.



⁵ Дилол — ғамза, ишва қарашма.

* * *

Сенингдан ҳеч асирларга назар йўқдир,
Фариблар сорига сендан гузар йўқдир.

Мени кўз олдига келтирмасанг ҳамки,
Сенингдан ўзгаларга ҳам назар йўқдир.

Эшитма мен ҳақимда душманам сўзин,
Менингдан сенга ўзга дўст агар йўқдир.

Кўйинг эшигидан бошим зинҳор узоқлатма,
Санга мендан агар бир дарди сар йўқдир.

Жигар мижгонимга дил қонидан боғлар,
Не дейсан қанчалар, сенда жигар йўқдир?

Дилингда ноламиздан не асар бордир?
Вафодан сенда чун ҳеч бир асар йўқдир.

Санамлар ишқидан ор қилмагин, Жомий.
Нечунким, сенда ўзга бир ҳунар йўқдир.



* * *

Ғарчи ҳар кун юз кара мен кам кўролмайман сени,
Йиглагайман қон, агар бир дам кўролмайман сени.

Ҳар бино тош бирла маҳкам, тошдек қаттиқ, эй дилинг,
Дўстлик уйи каби маҳкам кўролмайман сени.

Ишқ эрур дилда муқим, эй ақлу бошим дардин ол,
Ким, бу хилватхонада маҳрам кўролмайман сени.

Ошиқ аҳлин қатлига мен кўрдим бундан кўп алам,
Бахтимизга етгач они ҳам кўролмайман сени.

Тийнати покинғдир гўё сув тупроғи ўзгача,
Жисминг сув, тупроғин бул олам кўролмайман сени.

Қошлари меҳробининг эгикларидан ғофил сен,
Эйки, ҳаргиз тоатингда ҳам кўролмайман сени.

Жомийнинг ҳар тола сочи ҳажрингдан ғамли эрур,
Ул ғаминда зарра ғамли ҳам кўролмайман сени.



* * *

Кош, бузилсайди фанонинг селидан бул хонамиз,
То бақо ганжи йўлин бурса сари вайронамиз.

Кўрганинг ул чархи нилгун ҳамда ул гулгун шафақ,
Куйқум қўнган бир сафолким, жойидур хумхонамиз.

Бизу май паймонию, эй зоҳиди паймонбузар,
Тошларингдан кош омон қолсайди бул паймонамиз.

Турфа ҳолдурки, ани бир ҳарф ила очолмадик,
Қоф то Қоф бул жаҳонга ёйилди афсонамиз.

Нега сотсак ринд аҳлига зоҳидлик шевасин?
Қатра май нархи эмас тасбеҳдаги юз донамиз.

Соя қил раҳматдан, эй шами Чигилки, тушган ул
Куйган болу пар оёғинг остида — парвонамиз.

Жомий, кимдан ўрганибсан мушк сочмоқ одатин,
Ким, муаттар бўлди бул анфосингдан⁶ кошонамиз.



⁶ Анфос — нафаслар.

* * *

Кетиб ақлу дилим ҳам дину қолди менда жон танҳо,
Жудо карвонидан бўлган ғарибу нотавон танҳо.

Чу дард дастурхонин қўйдинг, юбор энди хаёл менга,
Ки, мезбон қўймагай асло то қолса меҳмон танҳо.

Ингичка соч каби бемор гапи чун ўртага тушди,
Келарсан сен хаёлимга ва ҳам қилдек миён танҳо.

У зулфу холу хаттингдан чу ақл ҳийласига раҳм
Олибди ҳар тарафдан они ўғри — посбон танҳо.

Қаламдек кошки иккига бўлинса менда эрди тил,
Ки, шавқинг шарҳини асло қилолмас бир замон танҳо.

Нечук мен нола найдек қилмасамки, бўлди тиғингдан
Неча минглаб тешик пайдо қилур ул устухон танҳо.

Аё Жомий, хаёлисиз ҳечам жаннат сари борма,
Ки, лаззат бермагай сенга у сайри бўстон танҳо.



* * *

Толёь хусни офтоби бўлди чун олдинг ниқоб,
Толёь хуснин кўрки, кўрдим оразинг чун офтоб.

Анбарин хаттинг хаёлимда юзинг бирла баҳам,
Кўрдим бул нам кўзларим доим урарди нақши об.

Остонанинг хоки бош остида ухлаш катта бахт,
Умрим ўтди, кўрмадим ҳаргиз бу давлат бирла хоб.

Айлагай бехуш дилим ҳар дамда ул лабни ҳавас,
Кетди қўлдан маст, қолди ҳамчунон завқи шароб.

Оташин оҳлар эрур дил доғларидан бир нишон,
Мўридан чиққан тутун оғаҳдур не куйгай кабоб.

Менки, дурдкашлар ила майхонада ҳамхонаман,
Охири, май бошида бўлгай уйим мисли хубоб.

Жомийнинг сўзи қилолмас холис ул зардек ривож,
Жуз ул иксир-ла қабул этмас у шоҳи комёб.



* * *

Қайдаким, гардунда хайма урди ул ой-офтоб,
Бедиллар жон ипидан ўрар уни мисли таноб.

Баски ҳар манзилда келгай кўзларимдан қон сели,
Халқ кўзида хаймалар доим кўрингай чун ҳубоб.

Токи бостирсам йўлин чангин, бурар бўлса лажом,
Хайлининг олдида сепсам кўзим абридан мен об.

Ул урар жавлону мен ул ғам била, лек не сабаб
Қуллари тутгай лажом, ёки оёғ ўпса рикоб.

Бундан ортиқ деки, офтоб, нозик юз куйдирмагин,
Йўқса, бир оҳ тортайин дилдан, куяр ул офтоб.

Офтобдан қандай юз ёпса киши, нозуклиги
Унда йўқ май тоби, токи сояси солса ниқоб.

Жомий ғамдан ўлди, ёри таъхир айлар қатлига,
Оҳким, ул бахти таъхир айлагай айни шитоб.



* * *

Чун насиб бўлмас менга васли ҳабиб,
Бизу ҳамда бенасиб дард, ё насиб!

Айрилиқ дардин сўра манданки, бас
Кимса ғурбат дардин билмас жуз ғариб.

Гар яқиндан хуб кўрингай икки юз,
Яхшидур ундан узоқ бўлса рақиб.

Ошиқ савдосига борми бир илож,
Ушбу савдоини тарк айла, табиб!

Шаҳнани дин дарди гар урса эди,
Воиз бўйнин кесгай шамшири хатиб.

Кўрсатай юзни узоқдан, деб эдинг,
Кош эрди бул саодат анқариб.⁷

Шавқингдан Жомий фигонимас узоқ,
Чунки сен гул барги, у лек андалиб.



⁷ Анқариб — тезда, зудлик.

* * *

Ишқингни, эрур каъбаи арбоби саломат,
Эрмас ҳараминг тоши, магар тоши маломат.

Ул шаҳардаки, хонанг эмас, хона олмасмиз,
Саҳрода бирор кимса қилмас азми иқомат.

Ҳижрон куни гар етса хатинг, завқ келтирар,
Тоат хатидан етмагай ҳеч рўзи қиёмат.

Дил оташидан бошин фалакка солганин кўр,
Дардинг шаҳиди хокига бўлгай шул аломат.

Ул майкада пири сўрамай риндга берар май,
Қилгай эътиқодлига лек изҳори каромат.

Ўтсанг намозинг вақтида гар сори муаззин,
Қад-қоматингдан ҳам бўлади ул қаду қомат.

Ҳар нақшки, Жомий хатинг садосида боғлар,
Ювди барини намли кўздан ашки надомат.



* * *

Кел, эй бер бодани менгаки, энди айни фурсатдур,
Тарона ургил, эй мутрибки, бул фурсат ганиматдур.

Кўзим шоҳид кўзига, ҳам қулоғим чанг навосига,
Кет, эй носеҳ бу ерданким, на бу вақти насиҳатдур.

Фароғат марҳамидан ҳеч жонимдан бир нишон сўрма,
Менинг ошиқлигимдан унга насиба доғи меҳнатдур.

Агар дўст қўлидан келса бошимга тири пайкони,
Ки, куйган ошиқ аҳлига Худодан келган раҳматдур.

Ўшал дамки, қўйибман эшигинг остонасига бош,
Менинг бўйнимга тегингдан етар юз бори миннатдур.

Тубан ганжи қаноатга оёғин қандайин қўйсин,
Хазина нақдига соҳиб эрур арбоби ҳимматдур.

Бу даҳр абносидан ҳеч бир кишининг вақти хуш бўлмас,
Эрур хушвақт фақат гўшанишини кунжи узлатдир.

Тополмассан ҳечам излаш ила ёр васлини Жомий,
Бу ишни бошқа дамга қўйким, ушбу кори давлатдур.



* * *

Кетди кўздин ёр, кун-тун анда лек хотир эрур,
Суврати ғойибу аммо маънида ҳозир эрур.

Зоҳиру ботинда ошиқ кўрмагай ердин бўлак,
Мен деган бу маъни ботин аҳлига зоҳир эрур.

Дўстинг қошингда бўлса, ҳар тараф боқмоқ хато,
Бир замон ҳозир ўтир, эй дилки, ёр нозир эрур.

Бўлмасам гар ишқи юки остида, хушмас хотир,
Ишқдин ошиққа бўлак хотира, оғир эрур.

То ошиқ дарвеш билибди сабру шукрин завқини,
Ҳар жафога собиру келса бало, шокир эрур.

Ул оғизни сирри ғариб ул-ғайб билки, шарҳида
Ҳам ишорат оғизу ҳамда баён қосир эрур.

Ул парирухсорни тасхир айлади сўз сеҳри-ла,
Шул сабаб дерлар, Жомий шоир эмас, соҳир эрур.



* * *

Сенинг дардинг ила сийнамда доғ бор,
Ки, марҳамдан бу доғ бирла фароғ бор.

Дема куйдирмагайман бошқа жонинг,
Куйрман доғим бирла чун бу доғ бор.

Мену вайронаи ҳижрон, ўшал хушбахт,
Ки, сендек гул била манзили боғ бор.

Фигон қил ҳажр кўрган андалебим,
Висол боғига бўлган эга зоғ бор.

Чиройли куйлама, очма тилингни,
Бугун куйлаш замониға калоғ бор.

Сен излагувчимас хожа, вагарна,
Ҳар ён йўқолмагандан бир сўроғ бор.

Бу ўтли оҳларингни узма, Жомий,
Ки, ғамли тунларинг ичра чароғ бор.



* * *

Номаки, етди жонондан, хатти иқболим эрур,
Номасида муҳр нақши лавҳи омолим эрур.

Заррадек ҳолим ўшал хуршед ҳаводори эрур,
Оламда ҳар зарра бир-бир шоҳиди ҳолим эрур.

Ҳар замон фол дил ғамидан очдиму ҳайрон ўзим
Ким, бу қонга тушган дил, ё қуръаи фолим эрур?

Мен йиқилганни фиғонин гулга етказди сабо,
Деди, дод солган қушимки, бепару болим эрур.

Кўксимнинг чокига марҳам не истарсан, эй табиб?
Бул ярони қўйган ёдгор шўхи қаттолим эрур.

Дедим, бошим қанча суйкандим оёғинг остига,
Деди, қайда бошки, истармас то помолим эрур?

Ишқу қон ютмоқ эрур шеърим баёни, Жомиё,
Бул ғазал девонимас, девони аъмолим эрур.



* * *

Олди дил шўх мендану, аммо демасман ким эрур,
Олсалар тандан бошим, асло демасман ким эрур.

Улки, шамъдек куйдирди ҳижронида бош то оёқ,
Гар мени куйдирсалар ҳатто, демасман ким эрур.

Гарчи дарё бўлди кўзим ёшларидан барча жой,
Гавҳари мақсудли ул дарё, демасман ким эрур.

Яхшилардан кўп келиб кетгай кўзимнинг олдидан,
Улки, жону дилга бўлди жо, демасман ким эрур.

Сарвқадлар кўп кўрарман, аммо улки, бўлмагай
Ҳусну лутфида ундан боло, демасман ким эрур.

Изтироб чекдим ширинлабдан, билолмам, не қилай?
Топмагай ул асло таскин, то демасман ким эрур.

Жомийни меҳру вафосиз ёри таъна айлабон,
Дер, ўзингни бил, буни аммо демасман ким эрур.



* * *

Келди майдон вақти, турки шаҳсуворим қайдадур?
Барча кўзи ёр юзида, мени ёрим қайдадур?

Ҳар ошиқ ўз ёри юзига боқар хандону хуш,
Нега ғамли бундаин мен, ғамгусорим қайдадур?

Қанча юрсам беқарору сабр бундай ҳар тараф,
Ўргатувчи сабр, жони беқарорим қайдадур?

Токи хублар жилвасидан элтсалар хижлат нигун,
Ул ярим жавлонли сарви гулузорим, қайдадур?

Гар ғами берди ғуборим елга, лек бадхў демас,
Улки, эрди умри хоки рағузорим қайдадур?

Этаги чокида йўқдир хуш ғубор мендан кўра,
Бедилким, кўзёшимдан қўнса ғуборим қайдадур?

Ул эшикдан қолди олис Жомий, кошки гоҳ-гоҳ
Сўрса эрди, ул ғариби хоксорим қайдадур?



* * *

Сенсиз уйим менга жуз бир гўшаи вайронамас,
Иш на иш бергай, агарчи унда бир ҳамхонамас.

Бул таом гам донаси бўлгай ҳавойинг қушига,
Мўрчага тоқат қани, қувват етар бул донамас.

Ханжари бедодлигин шамъ шуъладан тортса агар,
Аммо шамъдин юз ўгирмоқ одати парвонамас.

Жун чопон эгнидаю лек симу зар қилсанг талаб,
На керак мардона тўн, гар ишларинг мардонамас.

Ҳожига гар қора тош, менга ва лекин бўсагоҳ,
Жуз гўзалнинг лабларию, жуз лаби паймонамас.

Қилма риндлар қиссасини, эй шаҳар шайхи баён,
Соҳибдиллар суҳбати бу мажлиси афсонамас.

Токайгача девона деб, таъна урарсан Жомийга,
Фамларингдан, эй пари, айтгилки, ким девонамас?



* * *

Ишқ дарди икки оламни ягона айлағай,
Ғамларидан гоҳ мени у жовидона айлағай.

Сочларингдан қисқа эрди доим шамшод қўллари,
Кесилсин ул қўл агар ул чўпдан шона айлағай.

Тезучар қушким, камонингдан учар менга томон,
Сийнам ичра кирди, шул он ошёна айлағай.

Олтин ғиштлардан агар айш қасрини солганда шоҳ,
Олтин ғиштдан аҳли ишқ лек остона айлағай.

Дил олови шарҳи чун куйдирди шамънинг тилларин,
Ул учун у бошқа тилдан бир забона айлағай.

Оҳким, чақмоқ каби гардундан ул отлиқ келур,
Ўз самандига нечун у тозиёна айлағай?

Чун қанотсиз қуш эрур Жомий, фалакнинг одати
Ишқ жомию бало нуқлидан дона айлағай.



* * *

Бул заминдурки, бу ерда манзили жонон эмиш,
Оразин нурун таратган ул маҳи тобон эмиш.

Бул заминдур, ҳар кеча ва қанча бўлса ул узун,
Жойким, доим унга келгай сарви хиромон эмиш.

Бул заминдурким, кўрарсан хору хас ҳар ерида,
Бундан олдин ўрнида ўсган гулу райҳон эмиш.

Кетди ундан ҳар тараф ул нозли этак тортибон,
Улким, юз нозу таманно қўл сари домон эмиш.

Беради ҳар хоки пойим ул сувидан хосият,
Ким, насиб бўлган Хизрга чашмаи ҳайвон эмиш.

Ҳар бир киприқдан жигар қонин у тўкмоғи керак,
Қайдаким, лаъли лаби унда шакарафшон эмиш.

Жомий жони дарҳақиқат ушбу сув, тупроқдин,
Гар Хуросон хокидан суврат лойи қорғон эмиш.



* * *

Бир азиз ишқи мени хор айлади,
Не дейин, ишқ бундан бисёр айлади.

Ишқсиз дилдан келолмас ҳеч бир иш,
Ушбу маъни қалбима кор айлади.

Васл чоғи ишқинг осон бўлса гар,
Аммо ҳижрон шоми душвор айлади.

Ҳеч қимир этмас рақиб ёр кўйидан,
Ошиқлар йўлин у девор айлади.

Уйқуда кўрдим қучоғимда, вале
Ул фалак бахтимни бедор айлади.

Ҳол сўрарсан доимо беморларинг,
Ушбу орзу мени бемор айлади.

Жомийким, доим гадоинг, сендан ул
Беҳуда толиби дийдор айлади.



* * *

То таб ўтидан шамъи юзинг тоб олибдур,
Бас шуъласи ундан дили аҳбоб олибдур.

Беморинг сенинг лабларингдан истади чошни,
Ким, орзуи шарбати унноб олибдур.

Кўзларда ҳама уйқу хаёлдирки, то кўрсам,
Ким борки, кўзи фикринг ила хоб олибдур.

Ҳар саждаки, умри бўйи қилдинг, ғалат эрди,
Улки, ўзгани қошингда меҳроб олибдур.

Де, шамъ, бу кеча гўшада бўл, юзингдан кеч
Кошонамизни тўрини маҳтоб олибдур.

Лутфинг ҳақида қайдаким, сўз кетибди, оғзинг
Бас нуктадурки, гунчаи сероб олибдур.

Жомий, доимо жоми майи ноб олибсан,
Кўргач оразинг тарки маи ноб олибдур.



* * *

Бўлмагай васлинг туни ойда ривож,
Кундузи йўқдир чироққа эҳтиёж.

Эшигинг хоким, жафоинг тоши мен,
Берди озодлик ҳавасдин тахту тож.

Хаста тандан не оларсан нақди жон?
Бул хароб қишлоқдан олгунг не хирож?

Кўрса дардимни табиб, айтар шу он:
Айрилиқ дардига йўқ асло илож!

Хаста бўлгай кўрса оҳимни биров,
Тошюракки, сен каби нозукмизож.

Қайгача бир бўса деб, баҳс этасан?
Хуш эмас аҳли карам қилса лажож.⁸

Лабларинг акси Жомий лабларида
Акс этар май рангини гўё зажож.⁹



8 Лажож — истеза, хусумат.

9 Зажож — оина.

* * *

Учди олисга ўқингу жоним афгор айлади,
Ул нишонга етди, лек қалбимга у қор айлади.

Лола гул фасли юзинг олдида очмоқ истамас,
Сийна урди шавқдан чок доғин изҳор айлади.

Ёлига келди чаман абри кўриб гулоразинг,
Наъра бисёр тортибон, ҳам гирия бисёр айлади.

Офтобким, нур сочарди барча девор, томга,
Оразинг кўрганда ўз жойин у девор айлади.

Лабларинг келди Масеҳдек жон ато этмоқ учун,
Дард шифосин берди, кимни кўзинг бемор айлади.

Таъна урма, этма хорким, чунки бул олам аро
То шу дам бўлдим азиз, ишқинг мени хор айлади.

Жомий назми бошида деди жамолинг васфини,
Ўз девонин матласин машриқи анвор айлади.



* * *

Ваҳ, мени турки парипайкар қилур девоналар,
Ақлу хушдан, ошно бўлмай, қилур бегоналар.

Ҳар мусулмонки, бути бераҳми кўрди, шу он
Масжиду меҳробдин юз бурди сари бутхоналар.

Улки, ҳар ерда эшитди Лайли, Мажнун қиссасин,
Ҳолимизни тинглаб қилди тарки ул афсоналар.

Бул ҳама мастлику беҳушлик фақат майдан эмас,
Ҳарна қилди, борин қилди нарғиси мастоналар.

Хонумонсиз дилга келди дурру гавҳар янглиғ ишқ,
Бундай гавҳар қайдаки, жойин қилур вайроналар?

Танга келди жон юзу ҳам холининг шавқи ила,
Қушни пастлик сори завқин майл этур сув-доналар.

Ул бало май қуйқумига, Жомие, хурсанд бўл,
Ишқ соқийси чу берди май тўла паймоналар.



* * *

Хушдур ийд, ул навжавон гар отида жавлон қилур,
Ғамзалардин тиф уриб, ушшоқни қурбон қилур.

Ул жафо Рахшин суриб, банду асир қонин тўкиб,
Ҳар ерда бир бошни осиб, ўз жойин майдон қилур.

Қон тўла дил тўридан пайкон чиқориб олсалар,
Ички чокданмас, жудо пайконида афгон қилур.

Чун чаманнинг абридан гул ханда қилса дафъатан,
Ғунчалабни кўзларим кўз ёшлари хандон қилур.

Тер тўкиб ул лабшакар, шўр хокига қилса гузар,
Солса ул хокка назар, сарчашмаи ҳайвон қилур.

Ғамли кўнгилдан фиғон жон ичра гар бўлса ниҳон,
Сели офат қайдаки, ғамхонани вайрон қилур.

Тўкса қон Жомий чунон, ул ҳар ғазалда қиссахон,
Ҳар куни дарёи қон ул жадвали девон қилур.



* * *

Агар дўст эртага ўз мақтулин¹⁰ эслаб нидо қилгай.
Турар тупроғидан, қайтиб яна жонин фидо қилгай.

Чу бўлди қибла дўст юзи, шаҳар имоми қайдадир,
Тоинки, ўз намозида у бизга иқтидо қилгай.

Кейин қартайган чол бир норасида болакай янглиф
Бориб ул мактабида ишқ муҳаббатдан ҳижо қилгай.

Саломатлик либосин киймагайман эгнима ҳаргиз,
Агар ишқим маломат тўнидан танга ридо қилгай.

Ўшал мискин фақеҳким, дўст юзин кўрмоғини истар,
Анга айтингки, аввал жон кўзин поку жило қилгай.

Эмассан ўртада сен ҳечу ҳарна бўлса ул эрур,
У ҳам ўзи аласт дейдию ҳам ўзи бало қилгай.

Аё, Жомий, ўшал ёр дардида ўлгинким, унга сен
Агар юзминг кара ўлсанг, анга лойиқ, киро¹¹ қилгай.



10 Мақтул — қатл этилган, ўлдирилган.

11 Киро — сазовор, лойиқ.

* * *

Жон у лаблардан ҳикоят айлагай.
Тўти шаккардан ривоят айлагай.

Ҳар киши гар салсабилдан очса сўз,
Ул нўшин лабдан киноят айлагай.

Гар рақибларни у қўймас ёнига,
Биз тараф аммо ривоят айлагай.

Тортади шўх кўзлари тиғи жафо,
Жонбахш лаъли ҳимоят айлагай.

Лабдин олисда бу жондир мисли най,
Тингла найдин чун ҳикоят айлагай.

Лабларидан айрилиб шаккар каби,
Айрилиқлардин шикоят айлагай.

Жомий қатлига тиғ урмоқ на керак,
Ғамзаю юзи кифоят айлагай.



* * *

Лутфсиз лаъли лабинг ҳаргиз ҳикоят қилмагай,
Хуш кўзинг ҳам бир назарни беиноят қилмагай.

Сенга мен юз бора ортиқ сўзладим дарди дилим,
Вой, ул дардим, дилингга ҳеч сироят¹² қилмагай.

Дил рақибнинг қиссасин шарҳин итингга сўзлагай,
Дўстлардан у вале ғайри шикоят қилмагай.

Не ишим бор жанда кийган шайхга, ҳар бир ишим
Май сотувчи пирдан ўзгасин кифоят қилмагай.

Воизи хушлаҳжа фаҳми лавҳидан кечмоқ хуб,
Ҳар бир маъниким, лабингдан ул ривоят қилмагай.

Маъшуққа ошиқ ривоят қилгани хубдир, вале
Бул тариқатни менинг ёрим ривоят қилмагай.

Жомий, ёпгил лабларингким, сўз эшитувчи ҳариф
Рамзу фаҳминг даркини асло киноят қилмагай.



12 Сироят – таъсир.

* * *

Мени ўлдиргач кўйин хокин қонимдан гил қилинг,
Уй қурингу сўнгра жонимга уни манзил қилинг.

Қоним тўккач ул бевафо, қатлимдан сўнгра қонбаҳо,
Гоҳи қоним нисбатига боис ул қотил қилинг.

Ҳайф эрур бўйнига қонимки, худо ҳаққи, келинг,
Ханжарин тортмай туриб, аввал мени бисмил қилинг.

Бўлса бемор гар таним, бошимга келтирманг табиб,
Эй азизлар, тан иши осондир, фикри дил қилинг.

Тоқатим дийдорига йўқ, унда йўқ тоби назар,
Юзларига пардани, Оллоҳ ҳақи, ҳосил¹³ қилинг.

Бедорлик дардидан оғирроқ йўқ эрур дил аҳлида,
Қанчалар дил дардига бўлса даво, ҳосил қилинг.

Жомий ақли сўзидан то кай чекар бош оғригин,
Эй ҳарифлар, менга боз бир журъа лояқил¹⁴ қилинг.



Ҳосил — тўсиқ.
Лояқил — ақлдан оздирувчи.

* * *

Кечам ҳижрон азосида икки қошга хаёл келди,
Синам ҳар ерига тирноқ урсам, шакли ҳилол келди.

Мен ўлсам сўнг ҳумоюнфол, тўккил устухонимни,
У сахрогаки, унда ҳар куни бўи физол келди.

Қуёшюзлин девори соясига борсаму ўлсам,
Чу умрим офтобига ўша кунким, завол келди.

Саман отин туёгин излагай кўзёшларим ҳардам,
Бале, доим гадо моил бўлиб саффи наъол¹⁵ келди.

Жигар қонини тўкмоққа ёнида тир билан келмас,
Ки, сийна боғи, бўстон жонига мисли ниҳол келди.

Аёқ ҳашмат ила қўйса, заминга келмагай бундай,
Азизлар бошларин оёғи ости поймол келди.

У тор офизни васф айлаб, деди аксар сухан Жомий,
Шу боис тангдил ошиқларига ҳасби ҳол келди.



¹⁵ Наъол — наъл, жами тақа.

* * *

Қон билан ювдим юзимни, лек нигорим келмади,
Зор ўлдим дардидан, сори мазорим келмади.

Сув бўйида кўрмадим қаддига тенги сарвни,
Ким, кўзимнинг ашқидан сори канорим келмади.

Гулга келди ғунчалик, кўклам замони, энди лек
Не қилайменки, башоратли баҳорим келмади.

Қандайин роҳат шароби косаси бирла яшай,
Бошим захмин бергучи ул шум саворим келмади.

Йўли узра тупроқ ўлдим, йиғлаган ул чоғларим
Ким, оёғи ортидан чангу ғуборим келмади.

Қандайин дил унга берсамки, хароб ундан ишим,
Не иши бор менда, сори қору борим келмади.

Зарли қилди чеҳрасин Жомий қизарган кўзлари,
Ишқ конин нақдин олмоққа айёрим келмади.



* * *

На бўлди, букун ёнима ул моҳ келмади.
Жон тандан кетар, лек бути дилхоҳ келмади.

Юз қиссаи пурғуссани, мен зулм қурбони,
Йўл бошига қўйдиму вале шоҳ келмади.

Ул эшиги тупроғи кўзим ғубори эрди,
Бу лутфдек тонг елидан ҳеч гоҳ келмади.

Тиг лаззатидан не хабари бор мурдадилнинг,
Уйғоққа захминг, ўзгача ҳеч гоҳ келмади.

Хусну латофатдан дилим васф тўнларин,
Оз тикдики, ул қаддингга кўтоҳ келмади.

Ҳаргиз шаҳидлар хокига йўл олмадик бизлар,
Ишқинг шаҳиди хокидан бир оҳ келмади.

Жомий мену, май жомию, беномуслик, риндлик,
Чун зуҳду салоҳда мен каби гумроҳ келмади.



* * *

Мендан ҳар ерда кўзимдан сиришки лолагун келгай,
Унар ҳасрат гули унда, у гулдан бўи хун келгай.

Тушимга истарам ой юзли келса бир кеча , аммо
У юздан гар узоқлашса киши, уйқуси чун келгай?

Худоё, афсунгар, бош оғригин кам берки, ҳижрони
Олибди шундай уйқум, ўйлама, қилсам фусун келгай.

Менинг дардимга гар Мажнун гамин гардун қиёс этса,
Менинг албат, гамим Мажнун гамидан ҳам фузун келгай.

Ишрат созу навоси базми Хусравга бўлар лойиқ,
Вале Фарҳод фиғон қилса, у сори Бесутун келгай.

Хиромон келгай, истарман очай сийнамни мен шавқдан,
Ки, то ул қомати раъно дилу жонга дарун келгай.

Кўйингдан Жомий гар оворалик излар, хафа бўлма,
Ки гафлат ичра қолган бахтига у раҳнамун келгай.



* * *

Сафар азмига маҳмил боғлабон жонон чиқиб келгай,
Анга ҳамроҳ бўлиб юз корвонда жон чиқиб келгай.

Видоси тоқати ҳеч бир кишида йўқ деб айтинглар,
Ки, ул бечорага раҳм айлабон пинҳон чиқиб келгай.

Дегил ой, боғлама маҳмилки, йиғлар зор юз бедил,
Чу ёмғир ёғса қўйма асло то карвон чиқиб келгай.

Гирифторлар дилига кўзёшим сели бало бўлгай,
Агар гирён кўзимдан ёш чу қатра қон чиқиб келгай.

Кетар чоғида сийнамдан хаёли бирла жон кетди,
Бўлар хуб меҳмон бирла агар мезбон чиқиб келгай.

Мани бедил хату рухсоринг шавқидан агар ўлсам,
Туробимдан ўт ўрнига гулу райҳон чиқиб келгай.

Билолмас жуз фиғон Жомий, тили гўё жарас¹⁶ янглиғ,
Ўшандандурки, ундан бундайин афғон чиқиб келгай.



16 Жарас – кўнгироқ.

* * *

На бўлди, ё раб, ул сарви хиромон кечикиб келгай,
Менинг чобуксаворим сори майдон кечикиб келгай.

Парируйлар сипоҳи ҳар тарафдан келади, аммо
На ҳосил додхоҳларданки, султон кечикиб келгай.

Қолибди бир рамақ жондану тигин орзу айларман,
Дареғо, қатлимга ул номусулмон кечикиб келгай.

На бўлди, билмадим, жоним учун ул турки ошиққуш,
Камонидан заҳарли тиру пайкон кечикиб келгай.

Жаҳонсўз ҳажри елин ҳамда лутфин абрини кўрсам,
Дариғо, кетди полиз вақти, борон¹⁷ кечикиб келгай.

Кет, эй зоҳиди худбин, ишларимдан излама сомон,
Ки, ишқ расволарига билки, сомон кечикиб келгай.

Висоли тонги гар отмоқни истар оқибат, Жомий,
Ема гам, гар туни ҳижрон ба поён кечикиб келгай.



¹⁷ Борон — ёмғир.

* * *

Кеча кўзим уйқуда, бахтим вале бедор эди,
Тун бўйи фикру хаёлимда у мунис ёр эди.

Уйқуда кўргач ҳамон бахтим уйғонди озгина,
Бунчалар уйқусираб бахтим жуда бисёр эди.

Лаблари кулгу билан ҳар гал шакарли сўзлагач,
Анга тенги кўзларимда ашк гавҳар бор эди.

Жон аро қолди ширин ҳар бир сўзининг лаззати,
Оллоҳ, оллоҳ, лаблари қандай ширингүфтор эди.

Ваҳки, кетди хотиримдан уйқуда ҳар не деди,
Гарчи барча ишларим ул кечада такрор эди.

Кунларим тундек қародир кўзима рухсорисиз,
Эй, ҳуш ул кунким, кўзимда доим ул рухсор эди.

Жомие, бўлсин ҳалол ул тушким, кўрдинг уйқуда,
Кўрди бул кеч ониким, у ул учун бедор эди.



* * *

Қолмади гар гунчалаб мен бирла хандонки эди,
Бўлди лаъли шавқидан кўзёшим чандонки эди.

Зоҳидо, сар бирла сомонимни ҳаргиз излама,
Ёр йўлида бўлди хок сар бирла сомонки эди.

Бул кеча оҳим фалакдан ошмаса, кечир мени,
Ожизликдан йўқ кучим то қилсам афғонки эди.

Ваҳки, то кай куйса жоним, қилди об дил оташи,
Ундан ёдгор кўксим узра тире пайконки эди.

Гарчи зулфи куфрига қилдим имонимни бадал
Нури имондан афзал ул зулматистонки эди.

Қолди ожиз, чун дилим дардин кўриб мискин табиб,
Марҳаматдан қилди гар тадбири дармонки эди.

Кўксин чок этдингу урди Жомийнинг оҳи алам,
Бўлди ошкор оқибат ул оташ, пинҳонки эди.



* * *

Зулфларингдан ҳар кеча ҳолим парешонроқ бўлар,
Лаълингдан ҳар дамда кўзим гавҳарафшонроқ бўлар.

Ўрнидан сарви хиромон гарчи қўзғолмас вале,
Найнинг шохидек қадингга сувда тебранмоқ бўлар.

Лабларимдан бир бўса истарсан, ё дашном дединг,
Жонимдан ҳар нени сен билсанг, ул осонроқ бўлар.

Ишқинг юки остида ҳайронлигимнинг чораси,
Кимданки, сўрсам агар, мендан у ҳайронроқ бўлар.

Жонда меҳринг, жон дилимда дил эса таңда ниҳон
Айлаб, истарман яна тоинки пинҳонроқ бўлар.

Дил ўтидан кўйлагим ёнгай у бирла хирқа ҳам,
Ҳар бири эгнимда, йўқса сувдан мижгонроқ бўлар.

Булбули хушхон чаманда куйласа гул васфини,
Жомийнинг айтганларин ким куйлар, хушхонроқ бўлар.



* * *

Ҳар кеча бошда хаёли ул лаби майгун бўлар,
Этагим киприқдану мижгон дилдан пурхун бўлар.

Сийнамга чун ўқларинг етганда, ўтгай ул замон
Текканидан дардим ошгай, ҳам баса афзун бўлар.

Ул кийикдурсанки, олам овламоқ истар сени,
Йўл адашиб тоғда, ё саргаштаи ҳомун¹⁸ бўлар.

Қўй ғамим-ла мени, шодлик ўзгага бергилки, мен
Ошиқи ғамхораман, шодлик билолмам чун бўлар.

Чиқмагай дуд оташимдан, аммо танда бор дилим,
Келди ул оташки, ундан дуд сари гардун бўлар.

Ҳар гиёҳки, Лайлининг ул чайласидан бўй чўзар,
Сув ичган чашмасори кўзлари Мажнун бўлар.

Жомий, жону дил ғамида тор бўлар ҳар суҳбати,
Маҳрам эрмас ақл де, то бир замон берун бўлар.



¹⁸ Ҳомун — дашт, чўл, сахро.

* * *

Кўйингда менинг орзуим бир хона бўлса,
Ул ерга токи бормоғимга баҳона бўлса.

Юз пора билимни эшигинг хокига қўйдим,
Тоинки, тиринг олдига у нишона бўлса.

Отинг лажомин ушламоқчи кимса эмасман,
Сандан муродим доимо тозиёна бўлса.

Воиз деган дўзах ўтидан нега қўрқарман?
Шавқнинг ўтидан аслида у забона бўлса.

Ҳар ерда ҳуснинг борасида бир ҳикоят бор,
Ким, Юсуфи Канъон ҳадиси фасона бўлса.

Қўрқоқ дилимдан оразу холингни беркитма,
Ҳар қушки, тирикдур ана сув ҳам дона бўлса.

Жомий бир итким, анга жой эшигинг хоки,
На итки, анга ҳардам ўзга остона бўлса.



* * *

Кўларимдан дил қони қайта равон бўлмоқчидур,
Кўларим ҳар кипригидан хунфишон бўлмоқчидур.

Қалбинг ичра мақсадинг, токи гамингда мен ўйлай,
Кўнглингда не мақсадинг бўлса, чунон бўлмоқчидур.

Қанчалар қонли кафанлар дилда доғинг кетдилар,
Бул адам саҳроси барча лоласон бўлмоқчидур.

Болалик чоғингда кўрди кексаю деди бу кун,
Фитнаи олам ҳам ошўби жаҳон бўлмоқчидур.

Бул баланд қаддингни кўрсат, гарчи танҳо кечада
Дилда ўқинг, сийнада тири синон бўлмоқчидур.

Ўзга жойда тўк қонимни то мабодо кўйингда
Тушсам ўлиб, барчалар сендан гумон бўлмоқчидур.

Ҳарки Жомийни юзингдан хурраму хуш кўрса гар,
Дейди, бул кекса яна мисли жавон бўлмоқчидур.



* * *

Ҳар қачон кўрсамки, то ой меҳрубоним бўлса ул,
Ром бўлар у менгаю, оромижоним бўлса ул.

Ориқликдан устухон бўлди таним, лек хуш эрур,
Итларин гар майли сори устухоним бўлса ул.

Бундайин жавлон қилиб чиқди яна ул шаҳсувор,
Жой эрур, истар яна қўлдан иноним бўлса ул.

Менга ўт сол, эй оҳу, тоинки ёнсам бош-аёқ,
Токи ул ой воқифи ёнмоқ ниҳоним бўлса ул.

Ул лаби ширин такаллумдан эшитсам битта сўз,
Тонгла маҳшарга у сўз вирди забоним бўлса ул.

Ўз итидек мени билса оҳуи мардумшикор,
Бул фалак шери итимдан кам, чуноним бўлса ул.

Дедимки, Жомий қачон ўпгай итингнинг изларин,
Деди, ул кундаки хоки остоним бўлса ул.



* * *

Баҳор гулгаштидан бул хотирим ношод очилмасдур,
Юзингсиз гул чекиб кўп нолаю фарёд очилмасдур.

Тугун бўлди дилимда зулфингу гардим чаман гарди,
Чу билсам бул тугунни турраи шамшод очилмасдур.

Агар най мақсади бўлмоқчи озод сарви қаддингдан,
Сабо савсан тилини банд этиб, озод очилмасдур.

На фойда жаннату ризвон, агар Ширин, маозуллаҳ,
Ўзининг кўйидан чун равзаи Фарҳод очилмасдур.

Эшигин ҳар кишиким ёри гамхори очар бўлса,
Вале меҳнатсаролар эшигин жуз бод очилмасдур.

Мени кўи хароботимдан энди дарсга чорлама,
Ки, ишқнинг мушкилотин ҳеч бирон устод очилмасдр.

Дема, Жомий ул ойгаким, мени гамдан халос этгил,
Начукким, домга тушган қушни ҳеч сайёд очилмасдур.



* * *

Оразингким, офтоб янглиғ эрур,
Лаъли лаблар шаҳди ноб янглиғ эрур.

Оғзинг очма, хандага гар лабларинг,
Дуржи дурри ул хушоб янглиғ эрур.

Наргисинг ярми очилди уйқудан,
Наргисингнинг ярми хоб янглиғ эрур.

Бўлди шавқинг ўтидан юз пора дил,
Хар бир пора ул кабоб янглиғ эрур.

Ошиқи лабташнарларинг олдида,
Ваъдалар айлаб, сароб янглиғ эрур.

Лутфу юз бўлди гулистондан китоб,
Ул китобдан интихоб янглиғ эрур.

Яхшидур ул лабда хат, гарди зақан,
Ул рақамким, носавоб янглиғ эрур.

Ишқинг нақдиву яна вайрона дил,
Ганжу ул ганжи хароб янглиғ эрур.

Бўлса парвин қанчалар ёруғ, баланд,
Жомийнинг шеъри жавоб янглиғ эрур.



* * *

Кетди ёру кўзу дилда хор-хори қолдим,
Доғи ҳасратдан жигарда ёдгори қолдим.

Чанг босган юзларим тупроққа сурдим ҳар қаер,
От туёғидан нишонли раҳгузори қолдим.

Кетди умриму агарчи қайтишимга йўқ кўзим,
Кўзларим йўлида умрим интизори қолдим.

Оразида хатни гўё силкитар ел зулфини,
Ён атрофи анбарафшон гулизори қолдим.

Сарвиқад ўтди чаманда, гўё этак тортибон,
Гулнинг шохи лутфи бирла шармсори қолдим.

Ёр тири мажруҳига ҳеч марҳам завқи йўқ,
Заҳми пайкон хуш эрур, гар жонфигори қолдим.

Жомий, майгун лабдан олис қолди, бўлди талхком,
Кетди майнинг кайфи, ташвишли хумори қолдим.



* * *

Ким у, болишимда то бир кеча бемор айланар,
Менинг нола-зорларимдан қалби афгор айланар.

Эй худо, дарду ғамим е, то мени кўрган десин:
Бул фалон девонадирким, сори бозор айланар.

Юзларинг кўрсатки, жон бермоқ замон охир келар,
Онинг дийдор ҳажри бирла, мунча душвор айланар.

Хуш дур ул кунки, кўриб сен дўсту ёрларни дединг:
Ким ўшал бечораким, кўйимда бисёр айланар?

Йўқ ажал, гўё фиғор дилдан то тўкса қонини,
Ким у энди ҳажру дардинг доғи чун ёр айланар.

Ҳеч умид толеъсидан мақсудим ойи юз бермас,
Ким, у гўё қасдима чархи кажрафгор айланар.

Бўлди ошиқ хок кўйингда, лек юз ҳасрат, ғам ила
Ул ҳануз бермоққа жон сар-сори девор айланар.

Ўзинг ноз уйқусидаю роҳат тахти, лек Жомий
Кўйингда тонг отгунича доим бедор айланар.



* * *

Қаддингни қалбим бало деб айтади,
Эгримас у, тўғри ё деб айтади.

Ким кўзи гар бўлди кўйингда губор,
Икки кўзин тўтиё деб айтади.

Сенсиз айтсам ҳар кима дардим агар,
Ушбу дардинг бедаво деб айтади.

Лабларингда хат унибди гар десам,
Лабларимки, жонфизо деб айтади.

Деди, ҳайф бўлгай дилингда тирларим,
Ҳарна бор дил ичра ё деб айтади.

Сочу зулфинг толаси умримда бор,
Жомий, умри доимо деб айтади.



* * *

Эсади боди сабою ёрни ёдга солур,
Ул хиромон сарви хушрафторни ёдга солур.

Кўрсатар гул шоҳиди гулгунча юзидан ниқоб,
Гулнинг нозиклигию рухсорни ёдга солур.

Нозли уйқудан очар наргис хуморли кўзларин,
Шеваи ул наргиси беморни ёдга солур.

Пардага олгай ўзин гул андалебнинг қасдига,
Ул жудолик меҳнати дийдорни ёдга солур.

Бораман бўстонга, то йиғлашдин ором оламан,
Йиғламоғимни булут такрорни ёдга солур.

Шуъла урди дилга оташ, ваҳки, тошюрак рафиқ,
Қанчалар шўхи фаромўшкорни ёдга солур.

Дейдилар, сарф айладинг умрингни сўзга, Жомиё,
Не қилай, гар олдида гуфторни ёдга солур.



* * *

Қалбима сендан, дедим юз ғамдан кам ғам бұлмағай,
Лаб учи бирла кулиб, деди кўп ё кам бұлмағай.

Мен ишим сарриштасин, дедим йўқотдим зулфингдан,
Деди, ҳеч кимнинг иши ошуфта, дарҳам бұлмағай.

Сен учун, дедим тўкарман кипригимдан дурри ашк,
Деди ё раб ҳеч карам абрида бе нам бұлмағай.

Ҳалқа бўлди қоматим, ашким нигин бўлди, дедим,
Деди, жуз ҳарфи вафо бирла у хотам бұлмағай.

Дедим, ҳижрондин бўлак жон куйдиргучи йўқ азо,
Деди, доғ ҳаргиз муҳиб жонига мотам бұлмағай.

Дедим, бордир дардга тўла дилим пайкониғиз,
Деди, ё раб, кимсаниғ дарди бе марҳам бұлмағай.

Дедимки, оламда ҳеч ким холи ишқингдан эмас,
Деди, Жомий, ким ошиқмас, аҳли олам бұлмағай.



* * *

Ким у кимса, шахр халқи девонасидур,
Мафгун этган кўзи наргис мастонасидур.

Орази шамъи нурун то сочмасдан аввал
Жаннат ул-маъно малаги парвонасидур.

Чун лаби тўкса шакарин паймона ичра,
Мискину бечора жони паймонасидур.

Ким гўзаллар кипригига ишқини солса,
Киприкла фаррош супурган кошонасидур.

Хона унга кўзларим, мен ғайратдан ўлдим,
Қорачиғлар нечук онинг ҳамхонасидур?

Кафтима зулфин қўймаса, бахш айласа, кош,
Икки ё уч тола сочинким, шонасидур.

Хожа, Жомий қиссасини тинглама, халқни
Солган ўлим тўшагига афсонасидур.



* * *

Эй, қаддинг рашкидан, сарви суманбар,
Дили юзпораси бордир санавбар!

Жаннатнинг боғида гар шохи гул бор,
Ўшал гул шохи сенсан, шўх дилбар!

Ниҳоли ҳусну ҳамда кўзимиз бор,
Сана кўзёш ила бергаймиз яксар.

Мани такбир демасдан ўлдирибсан,
Начук сан тошюрак, оллоҳу акбар.

Киноят орифларга келди лабдан,
Шароби салбсабилу оби кавсар.

Истармас шамъки, парвона кетса,
Ўшал-чун базмида куйгай ҳама пар.

Эрур хуш ёдингла пайваста Жомий,
Вале дийдорингга энди у хубтар.



* * *

Эй баҳор гулбаргидан ҳам доманингдур покроқ,
Шавқингдан ҳар дамда ёқам гунча янглиғ чокроқ.

Остонанг хоки эрди пок ағёр гардидан,
Кўз ёшимла ювдиму энди бўлибди покроқ.

Юз гунаҳсиз қонин тўқдинг, кимса тигинг кўрмади,
Ошиққушликда ўзингдан шўх йўқ чолокроқ.

То дилим гамноклигидан шодмон кўрдим сени,
Жаҳд этарман, токи бўлсам барчадан гамнокроқ.

Яхшилар парвоси йўқ, тўкилса ошиқ қони гар,
Ўлдирарсан гар мени, не бок, эй бебокроқ.¹⁹

Ювсам ашким-ла, қуритсам сийнам ўти бирла мен,
Гар лажоминг бўлса нопок қонимдан намнокроқ.

Раҳшингни ташқори сургилким, изин ўпмоғига
Бир жаҳон йўлингда хоку Жомий аммо хокроқ.



¹⁹ Бебок — бепарво, парвоси йўқ.

* * *

Тонг сабоси, боргилу ул гулки, серобни сўра,
Тун-кеча оламга нур согучи маҳтобни сўра.

Қилди дарё кўзларимиз ёшидан бизларники,
Гавҳари ноб бирла ҳам ул дурри ноёбни сўра.

Қисқа қилгум покиза риндлар ҳақида сўзни мен,
Ваъдаси ёлгон ўшал бир ёри қаллобни сўра.

Кетди аҳбоб кўзларидан фурқатингдан нур зиё,
Нур сочувчи кўзлари ул дўсту аҳбобни сўра.

Дилни кўргин, сажда айлар қошлари меҳробида,
Бугпарастким, манзил этган буржи меҳробни сўра.

Лаблари лаззатидан жон жисм ила тандан қочар,
Тўти ҳолидан ўшал сен шаккари нобни сўра.

Кўрди Жомий уйқусида, ой тушибди ёнига,
Уйқусиз ошиқ кўринган таъбири хобни сўра.



* * *

Мани бедил берай жон истарам, кўролмайдийдорин,
Мадад қил, эй ажал, ўлсам то зор ости деворин.

Кўзимда дилдан айлаб жо, ичимда лек у дил пинҳон,
Ҳануз тинчу ярим кўрқувда кўрса кўзи агёрин.

Таолаллоҳ, не қад улки, истарман кўз ила дилни
Қилай йўлига хок ул дамки, кўрсам лутфи рафторин.

На қўлда қолди дил, ҳам на мусулмон дини мискинда
Ки то бул тошюрак кофирларни қилсам сару корин.

Юзи чун бўлмади гул, лек ўшандан об бўлгай ул,
Ки, ул давлатни топгай, гар у ювса гарди рухсорин.

Фану гулзоринг, эй боғбон, вале биз бирла ёр кўйи,
Ки, гулзор сувларида оқизар юз хас ила хорин.

Хазонни кўрган қушдек, тилни сўздан боғлади Жомий,
Қани ул гунчаи хандонки, боз келтурса гуфторин.



* * *

Мен йўқотдим ўртада сарриштаи тадбирни,
Кошки зулфин толасин бахш этса чун занжирни.

Ваҳ, не шириндур лабинг, гўёки қўшгандир анга
Доя ширин жонларидан шираю ҳам ширни.

Чин мусаввирики, чизгай расмлар бутхонада,
Кўрди юзинг, ерга урди хомаи тасвирни.

Дилга тиринг етди, мен бисмил бўлибман мунтазир,
Қолдим, токи келсанг излаб мен билан у тирни.

Ишратободи висолда барчага ҳамдам ўзинг,
Танладим танҳо ўзим гамхонаи дилгирни.

Истадим кўйингда қилсам узри тақсири вафо,
Ҳамчунон шарманда қошингда қилиб тақсирни.²⁰



²⁰ Тақсир — қусур, хато, гуноҳ, айб.

* * *

Лаъли майгун лабларинг, парҳизгорларга не суд,
Маст билур май лаззатин, лекин ҳушёрларга не суд?

Эй, ҳама уммедимиз сендан бўлар навмедлик,
Ноумидликдан бўлак, умидворларга не суд?

Топди сунбул бирла мушкин сочларингдан озгина,
Йўқса бўстон тавфидан боди баҳорларга не суд?

Хоки пойинг бўлмаса бош остида гар ёстигим,
Кўйингда тун кечаларда хоксорларга не суд?

Мен каби ҳар ёнда булбул куйласа шавқ нағмасин,
Навбаҳордан охири ул гулузорларга не суд?

Мен ул отлиқ йўлида бўлдим туёғига нишон,
Мўрчанинг озоридан аҳли саворларга не суд?

Уйқусиз Жомий кўзи бўлди у юздан баҳраманд,
Ой нуридан ўзга тунда бедорларга не суд?



* * *

Гул каби яшнаб, халойиқ борса хандон сори боғ,
Мену дил ҳажринг ила гуллоладек биз доғ-доғ.

Боғда ҳар гулдан агар мен ҳид-бўйингни топмасам,
Оҳ чиқоргайман дилимдан, қолгай оташ ичра боғ.

Йўқдир ҳожат қўшни уйига, рафиқ бормоғинга,
Ким бу кеч сийнам шарори ёритар мисли чароғ.

Некувонлар юрса гар чобуклигининг йўлидан,
Лек дарий кабкин хиромин айлай олмас ҳеч зоғ.

Бахт ҳумоси бошима гар соя солса ҳар қачон,
Ўтира олмас кесак устига гўё ҳеч калоғ.

Навбаҳор фаслида боғлар бир жаҳон дил айшини,
Жомий бирла ишқ дарди, олам ишқ бирла фароғ.



* * *

Ёнаман ҳар кеча рухсоринг ўтидан чун чароғ.
Сочу зулфинг фикридан дардим борар, ваҳ, то димоғ.

Ёнаман рашқдан, не кас доғи гамингдан ёнади,
Кимсани гам ёндирар, аммо мени гам бирла доғ.

Гул каби рухсорингга зулфинг солибди сояни,
Лола бирла гулга чодир парларидан солди зоғ.

Юзларимга боғ эшигин не очар гул фаслида,
Гунчамас қалбим менинг токи очилса мисли боғ.

Неки бор эрди ишим, мен барчадин уздим оёқ,
Ёдинг бирла то ўтирдим, очдим тиззамни фароғ.

Кўйлагингнинг ҳидларин боди сабодан изладим,
Берди ёқамга гулу ҳам ёсуман жайби суроғ.

Жомий тилни узди сўздин, ажратолмас чун биров
Тўтии шаккаршикан нутқин ё қар-қар этса зоғ.



* * *

Сенсиз дил ҳар қонки, ичди берса гар соғар фироқ,
Кипригим томирларидан очади наштар фироқ.

Сендан не ҳосил берар васлинг умедидан уруғ,
Полизимда бўлмагай ҳаргизки жуз борвар фироқ.

Ишқ боғида агар бир сарв ё савсан бўлар,
Ул бало тири бўлару бул вале ханжар фироқ.

Ушбу лоғар жисмим васлинг тахтига етса агар,
Ушбу ришта бирла тиккай мен учун бистар фироқ.

Ҳар тарафда кўзимизнинг ашқидан бордир ҳубоб,
Ноҳиямиз ичра урди хаймасин лашкар фироқ.

Берди ёлғон ваъда ҳардамки, балодан фориғ сан,
Васлинг неъматларидан бўлди балопарвар фироқ.

Қилма орзу, Жомий васли номасини дўстдан,
Ушбу бас, дафтарга номинг ёзган бўлса гар фироқ.



* * *

Чиқиб гунча ниқобидан кел, эй гул,
Ки, хуснинг шавқидан қўйибди булбул.

Яқин келса чу дийдор ваъда чоғи,
Ки, келмас ошиқдан ўзга таҳаммул.

Борай боғ сайрига тоинки бир дам,
Чиқай хуш лоладек ушлаб соғар мул.

Мени шавқинг чунон йиғлатди ҳар дам,
Ки, пурхун этди ашким домани гул.

Чунон қуш ноласидек нола қилдим,
Чаман атрофига тушибди гулгул.

Жудо ул сарвиқад сунбулли сочдан
Кўринмас қадди сарву зулфи сунбул.

Чун мутрибдек тугатди Жомий назмин,
Чиқар жом-кўзадан овози қул-қул.



* * *

Чун сени кўрдим, кўлимдан кетди дилдан ихтиёр,
Балли, кўзлар дастидан дилда харобдир кору бор.

Ҳар бир орзу нахликим, мен қаддингдан эккан эдим,
Бермади жон боғида ҳаргиз дилим ул ғайри бор.

Маст кўзинг ўғридулки, қошу киприкдан ҳама
Солди тир бирла камон, қасд айлади дилни шикор.

Куйди дил ғам оташидан, қолди пайкон кўксима,
Ёдгор тирингу ҳамда қолди бул дил ёдгор.

Сенга бердим дилни токи, беқарорлик ҳарна бор
Рўзгорим жавридан бўлсанг дилимга ғамгусор.

Бўлмайин сен ғамгусорим, олдинг сен ундан қарор,
Сен билан аввал эмасди бундайин дилда қарор.

Жомий дилнинг пардасидан сенга жой солган эди,
Яъни, парда ичра сен дил тўрида сен роздор.



* * *

Мен ҳақир бир бандаман, лек сен султони муҳташам,
Гар гамингда зор ўлсам мен, вале сенга не ғам?

Мақдаминг айлаб таманно, бўлдим бемору ғариб,
Кел худо ҳаққи, сўрарга ҳолимни, қўйгин қадам.

Етса сендан жонима ҳар не агар, миннат эрур,
Гар жафонинг новакидур, ёки шамшери ситам.

Ишқ саҳросин кезиб овораю саргашталар,
Кўрсатар ҳажринг аларга йўл то манзили адам.

Илма-тешик бўлди сийнам ичдан чиққан оҳидан,
Ҳар шикофдан дил ўти ҳар дам урар гўё алам.

Ул замонки, ёзар эрди тақдирим хатти ажал,
Ул жафо тиғинг ила қатлимни қилганди рақам.

Итларингнинг косасидан бир умр еди таом
Жомийки, Хизр сувин қилмас писанд ҳам Жоми Жам.



* * *

Эй, тўлин ой юзларинг олдида кам,
Ҳам Юсуфнинг нархи ўн етти дирам.

Ҳар мусофир хоки пой эшигинг,
Ҳам яқинлар бошига тождур ҳарам.

Йўлларингда сарбаландлик топмади,
Кимки, у бош қўймади зери қадам.

Юз ўгирмасман сенинг фармонингдан,
Бошима гар тиф қўярсан чун қалам.

Сенга равшан бўлмади қалбим ўти,
Урмади то сийнадан оташ алам.

Қатлимни қилса тақозо гар карам,
Ўтма, эй жон қилки, не истар карам.

Бўлди Жомий оғзинг завқу шавқидан
Орзуманди бу тор олам-адам.



* * *

Лабидан изладим ком, берди дашном,
Биҳамдуллаҳки, топдим бора мен ком.

Кет, эй гардун ойи, бурчакда жой ол,
Менинг ойим келиб, қилди маконин том.

Лабинг ёди ила ичсам майи ноб,
Жигарнинг қонига лаб-лаб тўлар жом.

Эрур ночиз сайд гардун хумоси,
Қачонки, қўйсанг ой атрофига дом.

Юзинг ойдек, дилафруз аммо ойсан,
Қадинг сарву вале сарви гуландом.

Дема, ишқинг эди қайдану то кай,
Ки, йўқдир ишқимиз бошию анжом.

Итингнинг исми кошки Жомий эрди,
Тилинга келгай эрди гоҳи бул ном.



* * *

Сухбатингнинг ҳидидан берди насим,
Қилмасам ёд жаннату зикри наим.

Чун хатинг кўрди мунажжим шул замон
Ойни ўчирдики, жой эрди тақвим.

Қанчалар сўрсак висолнинг нархини,
Енгимиз қилдик тўла зар бирла сим.

Очсанг оғзингни агар мим ҳарфидек,
Қайнатар оби бақо ул чашма мим.

Бир кара ўтсанг мисли оби ҳаёт,
Хоким бошигаким, ўлдирдинг қадим.

Ул қиёмат мункири равшан бўлар,
Сирри йўқки «ал-изом ҳайи рамим».

Кетди Жомий хонақадан майкада,
Муқтазо бўлди анга табъи салим.



* * *

Агар ҳар неча сен шоҳ, лек гадо биз,
Этак силкитмагинким, мубтало биз.

Фуломлик доғларинг то бизда бордир,
Қаён борсак, у ерда подшо биз.

Қаерда бор алам, дардингга мард биз,
Қадам қўйган ерингга хоки по биз.

Биз эшик боғладик унга ва бунга,
Ўтирган жойимиз кўи бало биз.

Ёзармиз гоҳи ишқинг нуктасидан,
Гоҳи дард оҳанги бирла наво биз.

Санга наззора қилган гарчи бисёр,
Таниб олган сени, билгил аё, биз.

Итингнинг сафларидан қилма маҳрум,
Агар хос хильятига нораво биз.

Агар лутф айласанг, унга дарифмиз,
Агар жавр айласанг, унга сазо биз.

Дединг, менсиз на бўлди қору боринг?
Эмас сенсиз киши, андар дуо биз.

Жафою жаврига Жомий қил одат,
Ки, бил лойиқ эмас қилса вафо биз.



* * *

Не бахт, ораз хати, ҳам ояти лутфу ситам бирга,
Ишқингда уммеду қўрқув ва ҳам шодлику гам бирга.

На дей рухсору оғзинг васфиниким, гул ё ғунча деб,
Ки, борлиқ бўстонида тушар боғу адам бирга.

Кет, эй мутрибки, ҳижрон гамлари чанги бу кеч уддек
Дилу жонни этар жўр, оҳу нола зеру бам бирга.

Сураб отин у шўху орқасидан ҳар тараф жонлар,
Равон бўлди кўрибон бундаин шоҳу ҳашам бирга.

Қалам бир лавҳа гар бир ҳарф ила ҳолим ёзар бўлса,
Ўшал дам дил аловидан куяр лавҳу қалам бирга.

Сўра, эй меҳрубон хуршед, мажлис шамъидан ҳолим,
Ки, куйганмиз туну кеч то саҳар икков баҳам бирга.

Бериб жон гамга Жомийдекки, охир ҳар асирликда
Ки, дард ортиқдан ортиқ тушса, сабрим камдан кам бирга.



* * *

Нечук мен фурқатингдан сўзламайким, нотавон бўлдим,
Ки, мен сувсиз қуриб қолган чаман янглиғ, чунон бўлдим.

Висол айёми тезлик бирла чақмоқдек ўтиб кетди,
Ки, ҳар мижгон учидан гўё абри хунфишон бўлдим.

Мен азбаски ўшал белнинг хаёлидан ориқландим,
Шунинг чун ҳам ҳама нозук хаёллардан ниҳон бўлдим.

Ҳажринг тўфони устухоним ичра пайни қўйдирмас,
Кўйингнинг итларига токи бир каф устухон бўлдим.

Сенинг остонангда иззат мақомин топдим ўзимга,
Ўшал остонаданки, мен кам чун устухон бўлдим.

Итингнинг хайлига меҳмон бўлибман, меҳрубонлик қил,
Сенинг кўйингда мен икки ё уч кун меҳмон бўлдим.

Дема, Жомий, қариб қолдингу энди ишқни тарк айла,
Ки, мен бул кексайган чоғимда ишқингдан жавон бўлдим.



* * *

Агар ҳар ерда хона солсам, ҳамхона сени топсам,
Қаерда бўлмасанг, ул ерга борсам, на сени топсам?

Агар тун ухласам, ё хонага борсам агар танҳо,
Толай тушда сени, борсам агар хона, сени топсам.

Қадаҳнўшларнинг базмида, вафодорларнинг наздида,
Ўзингни маъшуқа билсам ва жонона сени топсам.

Қаерда суҳбати жамъ бор, қаерда бир ёниқ шамъ бор,
Уриб боши уза мен чарх, парвона сени топсам.

Агарда сори майхона, бораи излаб мен паймона,
Мен ҳар бир майпараст қўлида паймона, сени топсам.

Ечарман бошимдан хирқа, бўлай дарёга мен ғарқа,
Ниҳон ҳар бир садаф ичра у дурдона сени топсам.

Ўзингдан Жомий кечу ҳамда гумдонлик сари боргил,
Ки, ваҳдат пардаси ичра у бегона сени топсам.



* * *

Хаёл эрдими, ё раб кеча ёрни хоб кўргандим,
Кўзимда оразин, кафтда шароби ноб кўргандим.

Ҳама бахту саодатни биҳамдуллаҳки, олдим мен
Висолинким, эди чун кимиё, ноёб кўргандим.

На ҳожат эрди, ё раб, базмида шамъни ёқиб қўймоқ,
Агар рух аксида оламни чун маҳтоб кўргандим.

Куярди номуродликдан ганимда дил билан жони,
Муродимни мен андар хотири аҳбоб кўргандим.

Басе мастлик ила соқий пойида хокка мен урдим,
У бошким, саждагоҳдек гўшаи меҳроб кўргандим.

Тириклик сувидан ул васли иқболини англабди,
У дилки, айрилиқ оловидан дар тоб кўргандим.

Жаҳони жон билурлар майдан ул бир журъани, аммо
Бу лабташна Жомийни жомидан сероб кўргандим.



* * *

Мен ул бесабру дилким, шакли зебо ҳар замон кўрсам,
Бўлар ҳар кўрмоғим жонга балою ҳамчунон кўрсам.

Менинг ул шаҳсуворим жилваю нозида мен ҳайрон,
Ким, ул оёқ, узангию гаҳи қўлу инон кўрсам.

Камонига солибди тир мени сайд овламоққа ул,
Надоматдан жудони жониби тиру камон кўрсам.

Азобли ул замонлардан кейин мискинга равшанким,
Умрлар бўлдики, энди гўзал юзни аён кўрсам.

Мани бедил ўзимга ҳайф билдим унга ҳамдамлик,
Қаён тоб келтирай, ҳар дам агар у ё, бу ён кўрсам.

Кўйида ул ҳама ошиққи кўрдим, они излардим,
Мен ўрнида чириб кетган у бир кафт устухон кўрдим.

Ҳама тунда хаёли ишратда, Жомий бу савдода,
Ким эрта не қилай, қандоқ мен ул офати жон кўрсам?



* * *

Ҳар замон дейманки, меҳрин дилдан берун айласам,
Лек ўзимга бас келолмам, билмасам чун айласам?

Булажаб ишдурки, дармон айламоқчи менга халқ,
Ўйлагайман, қандайин дардимни афзун айласам.

Лаъли лабсиз тоққа урсам бошимни, йиғлаб агар,
Тошни чашма айлагайман, чашмани хун айласам.

Нақш этарман унга юз хат, мазмуни ёнмоғу дард,
Нома унвонига қонли ашким мазмун айласам.

Ўқисам такбир, дуо ўрнида Лайли қиссасин,
Бир куни тартиб агар ногаҳ чу Мажнун айласам.

Куйдирарман халқни мен дил ғамидан уд каби,
Ҳам фироқ чангин чалай ҳам созни қонун айласам.

Ўлди Жомий ҳажридан, не фойда васли қиссаси,
Бисмил қуш қандай тирилсин, гар юз афсун айласам?



* * *

Ҳар дамингда ўзни кўзимда таҳайюл айларам,
Бирма бир ҳуснингнинг асрорин тааммул айларам.

Сенда бўлган хублигининг нақшини кўрсам агар,
Бўламан ҳайронки, сенсиз чун таҳаммул айларам.

Номинг айтиб фош этолмам, аммо сенсан мақсадим,
Гар санавбар сўзидан, ё қиссаи гул айларам.

Тиф урарсан жонни бер деб, тиф учун лек ўзгадир,
Жон учун эрмас агар, ногаҳ тааллул²¹ айларам.

Бораман тортиб этак, май ранги урган тўн билан,
Дурдкашлар ичра мен арзи тажаммул²² айларам.

Ишқ сириин гул дафтаридан англамоқ дастур эмас,
Мен у маъни фаҳмини сўз айтса булбул, айларам.

Дедимки, Жомий асирингдур, деди огаҳ ўзим,
Лек ёмон сўз таънасидан мен тагофул²³ айларам.



21 Тааллул — баҳона қилмоқ.

22 Тажаммул — шукўҳ, дабдаба, ҳашамат.

23 Тагофул — бепарволик, парвосизлик.

* * *

Гаровга, сўфиё, масжид матосига шароб қилгин,
Қарилик чоғида товони ул аҳди шабоб қилгин.

Париваш ишқи майи нашъасидан маст бўлиб қолдим,
Ва лаъли ёди бирла икки, уч жомим хароб қилгин.

Қарилик чоғи хублар ишқидан айб бўлгай лоф урмоқ,
Менинг оқ сочимни гулгун майи нобдан хизоб²⁴ қилгин.

Ёмонман, ҳам шаҳардан ҳайдалган расвои олам мен,
Аё, эй порсо, суҳбатимизни эҳтисоб²⁵ қилгин.

Камоли касбу фазлингда фазилат, эй ўғил бордир,
Келиб, ошиқлардан ишқни фазилат иктисоб²⁶ қилгин.

Агарчи ҳар гуна куйлар тушибди, маъниси бирдир,
Қиёс бул нуктага дарёю денгизу ҳубоб қилгин.

Жаноби пири майхона дуонинг қибласи, Жомий,
Ва ҳар не илтимосинг бор, юзинг сори жаноб қилгин.



24 Хизоб – рангламоқ, бўямоқ.

25 Эҳтисоб – ҳисобга олмоқ.

26 Иктисоб – касб қилмоқ, ўрганмоқ.

* * *

Чаман сори, аё сарвим, пиёда ҳеч гузор қилма,
Суман, сабза ила оёқларинг асло фиғор қилма.

Ўтирди қонга гул кўкламга рашк айлаб, худо ҳаққи,
Ялангоёқ бўлибди, қайтиб они жўйбор қилма.

Эрур гул ул оёғ кафти, унинг наздида гул хордир,
Берар озор оёғларингга гул, оёғин хор қилма.

Ситам шамширию жавринг ила сийнамни хор этма,
Ниҳон лола каби доғим менинг, сен ошкор қилма.

Мени аччиқ феълу хўйинг умидсиз айламоқ истар,
Мени ул ишваи ширинингга ҳеч уммидвор қилма.

Халойиққа баса қошинг ҳақида лоф урибдурман,
Мени қувма ўзингдан ҳамда асло шармисор қилма.

Бирор дил қолмадики, бўлмади у қон, аё, Жомий,
Худо ҳаққики, бундай нолаю афғони зор қилма.



* * *

Мен ўшал, ё раб, ошиқлик дардидан зор бундайин,
Мен каби оламда йўқ ҳаргиз гирифтор бундайин.

Эйки, кўргаймен сенинг кафтингда энди дил ипин,
Ҳолимни кўр, берма қўлдан дилни зинҳор бундайин.

Бахтимдан не бор мадад, не лутфингдан бордир умид.
Оҳ, мен қандоқ яшай, бахт бундайин, ёр бундайин.

Гар, худо ҳаққи, вафо, меҳрингга мен лойиқ эмас,
Қилма маҳрум мени ўз жавримдан, дилдор бундайин.

Кўзларим нури, на бўлди, ҳам менинг айбим надир,
Ким, назар бизга солибсан сен боякбор бундайин?

Бермадим дил, кўрмадим то сендан юз лутфу карам,
Мен на билгандим бўларсан, ёр, ситамгор бундайин.

Ўлдирилди Жомий гар ишқ тигила, тадбир не?
Ишқ агар бундай эрур, ўлдиргай бисёр бундайин.



* * *

Боғлабон тиркаш яна, турки савор келгай чиқиб,
Эй, фидо жон унгаким, азми шикор келгай чиқиб.

Ўзига оламни ул сайд айламакка қасд бор,
Йўқса, не тире камон бирла у ёр келгай чиқиб?

Ким билан ё раб, ичибди май, бугун ул бундаин,
Кўзлари уйқусираб, боши хумор келгай чиқиб?

Келмаса фасли баҳор, эй ошиқи шайдо, не бок?
Юз баҳордан тозароқ ул гулузор келгай чиқиб.

Кимки, ошиқ ўти бирла, келса бир кун кўйига,
Қонга тўлган дил ва кўзи ашкбор келгай чиқиб.

Кўнглига гар солмаса ул, нега тошга жо қилур,
Ким, бу афгор жондан оҳу нола зор келгай чиқиб.

Кеча эрдим кўйида, санчир оёққа хорлар,
Кўз бўлардим унга, ҳар қанчаки, хор келгай чиқиб.

Неча йиллар эрдим кўйи хокида мен мунтазир,
У чиқиб келмас, вале жон интизор келгай чиқиб.

Жомийнинг эзилган жисми хок бўлса кошки,
Гар йўли бошига ул чобуксавор келгай чиқиб.



* * *

Ишқ асоси келди дилга қаттиқ, маҳкам ҳамчунон,
Фамларингдан бул эзилган жоним ҳамдам ҳамчунон.

Қилди ҳижрон лашкари умрим биносин кўп хароб,
Ишқ султониға дил мулки мусаллам ҳамчунон.

Ўзга васлинг базмида шодкому ҳамда сарфароз,
Меҳнату ғам бори остида белим ҳам ҳамчунон.

Ҳамма гулшан айши хуррам, кўм-кўк сендан, вале
Полизимиз абри эҳсонингдан бе нам ҳамчунон.

Ғамда тифинг захмини пайкон ила юз йўл тикиб,
Ул жароҳат бор чиқормасдур фароҳам ҳамчунон.

Куйди бедил жони маҳрумлик, рақибнинг доғидан,
Хос ҳарими хилватингда бўлди маҳрам ҳамчунон.

Ишқбозлар бирма бир расми салоҳ келтурдилар,
Сабрсиз Жомий дили расвои олам ҳамчунон.



* * *

Жони поксан, сар ба сар, не обу хок, эй нозанин,
Воллах, жондан покроқ, руҳинг фидок,²⁷ эй нозанин.

Кўрмайин поклар рўйинг, жон бердилар ҳидлаб бўйинг,
Гирд айланар энди кўйинг юз жони пок, эй нозанин.

Бординг гулгашти чаман, гул кўрди ул лутфи бадан,
Сўнг шавқдан ўз эгнидан тўн қилди чок, эй нозанин.

Гар лоладек бўлди танам, қонимга фарқ, аммо не ғам?
Шул баски, дилда элтаман доғинг то хок, эй нозанин.

Ғамингда бор беморлик, бул хастага қил ёрлик,
Гар айласанг ғамхорлик, ғамдан не бок, эй нозанин.

Дардим агар бўлди зиёд, эшитмассан қилсам фарёд,
Кўрқаман қилсанг адлу дод, андешанок, эй нозанин.

Жомийга ошно ўзинг, сендан буролмас ул юзин,
Гар бошига қўйсанг ўзинг тиғи ҳалок, эй нозанин.



²⁷ Фидок — жоним сенга фидо.

* * *

Таолаллоҳ, яша шоҳи ягона!
Яша, ҳусну жамоли жовидона!

Агар бутхонада ҳар нақш кўрсам,
Ўзинг мақсудимиз, бошқа баҳона.

Кўролмас ориф кўзи холу юзни,
Ҳумо қуш изламайди суву дона.

Агар бир қисса ишқимдан ўқирсан,
Бўлар Мажнуннинг ишқи бир афсона.

Дема ишқ сиррини зинҳор шайхга,
Ки, билмас тўти лафзин мурғи хона.

Қучоғимга белингни шундай олсам,
Ки, қил ўтмайди ундан ҳеч замона.

Гузар қил Жомий сори, боши бирла
Қилур хизматни хоки остона.



* * *

Мутриб овозию чангу чағона,
Билан хуб куйлади тонгда тарона.

Ки, эй хожа, умрдан бир нафас, дам
Бўлар мояи давлат жовидона.

Бўларсан базмгаҳда ғофил то кай,
Муганний савтидан, жоми муғона.

Бирон дам ғофил бўлма майи нобдан,
Ки, охир бўлади ҳар бир замона.

Бу кун ишрат ғанимат бил, ким билгай
Ки, эрта сен тирик бўларсан ва ё на!

Ҳар ўйда топсам дўстим нишонин,
Қилай бош бирла хизмат ошиқона.

Уйингдан сори Каъба борма, Жомий.
Ки, бўш бўлмас бирон уй ёки хона.



* * *

Эй, юзинг фитна, қадинг боло бало,
Кўзим сендан фитна кўргай, ё бало?

Осибсан зулфингни бошдин то аёғ,
Боринг бошдин алқисса то по бало.

Лабда хаттинг энди неш урмоқчидур,
Қил учидек қолди биздан то бало.

Сен балосан, сендан қочмоқ офият,
Мардум истар офиятни бо бало.

Қайси йўлга бурсам юз, менга келар
Қоматингнинг фикридан юз жо бало.

Қадди боло бирла номинг то бало,
Жомий кутмас дуодан, илло, бало!



Ҷомӣ

* * *

Ҳуснинг хублар оразидан ошкоро айладинг,
Сўнгра ошиқ кўзида они тамошо айладинг.

Обу гилдан ўз жамолу ҳуснинг аксин айлабон,
Шамъу гул, рухсору ой, ҳам сарви боло айладинг.

Жоми ишқингдан тўкибсан хок уза бир қатрани,
Ақл донишмандини Мажнуни шайдо айладинг.

Гарчи маъшуқсан, кийибсан танга ошиқлик либос,
Сўнг ўзингга жилваю нозни таманно айладинг.

Ул қаро мушкин сочингдан юзга занжир боғладинг,
Бир жаҳонни боғлабон занжирга, савдо айладинг.

Еру осмонга сиғолмас барча ҳуснинг лашкари,
Мен ўзим ҳайронки, қандай сийнама жо айладинг?

Жомий, ишқ ичра йўқотиб қўйдинг исму расмингни,
Офарин ул расмга бўлсинки, пайдо айладинг.



* * *

Эй, ҳама ороми жондан қолган танҳо сен тирик,
Жон уволидур тириклик, дилбаро, то сен тирик.

Бул куну фардога қўйдинг, ёр, ошиқ қатлини,
Шод бўл, эй айлаган уммиди фардо, сен тирик.

Гар йигитлик ишқила, зоҳид, эмассан зиндадил,
Сен ҳақиқатда ўликсан, лек ошкора сен тирик.

Биз тани хокию рўҳи пок ўзинг, жону жаҳон,
Гарчи сенсиз биз ўликмиз, бизсиз аммо сен тирик.

Васлу ҳижрону ҳаёту ўлим келди, дил, шукр қил,
Гар ўлибман мен бу ерда, унда, жоно, сен тирик.

Мен ярим ўлик қўйингда, жон узарман бир умр,
Кимса сўрмас, Жомийки, сен ўлик, ё сен тирик?



* * *

Бўлди не, жоноки, сен чангим жафо соз айладинг?
Бахтимнинг носозлигин сен менга оғоз айладинг.

Турраи таррор домига дилимни боғладинг,
Жонни айларга шикор ғамзангни ғаммоз³⁰ айладинг.

Қилмадинг ҳаргиз ниёзимга сен асло илтифот,
Аммо, сен неки қилибсан, қилдинг то ноз айладинг.

Бошимиз қўйдик оёғинг остига мадҳуш бўлиб,
Ишва бирла бизни масту ҳам сарандоз айладинг.

Лабларингдан юздан кўп ўлик тирилди, айб эмас,
Гар Масихдек доимо даъвои эъжоз айладинг.

Гар ичибман кўзадек мен кўп, вале бир дам мени
Васлинг базмида мени, жоно, сарафроз айладинг.

Жомийки, гул бўйига берди нафаси бўйини,
Қайда гунча дафтарин гар менга сен боз айладинг.



30 Ҳаммоз — имо қилувчи, ишора қилувчи.

* * *

Эйки, мендек сенда ҳар вайронада девонаси,
Оразинг ойида ул шамъи фалак парвонаси.

Яъқуб дард бул менинг дарду ғамим олдида ҳеч,
Қиссаи Юсуф сенинг ҳуснингдан бир афсонаси.

Жону дилнинг нақдини биз хоҳламасмиз ўз учун,
Йўлларингга сарф этармиз мисли дарвешонаси.

Холингга гар қўл узатдим, ортиқ этма поймол,
Мўрни ўлдирмоқ керакмас, қўлида гар донаси.

Хонумоним гар бузилди, шукр ишқ иқболидан,
Биз у ким, кўйи балода бордир меҳнатхонаси.

Бедилларга йўқ висолнинг ишратободига йўл,
Бундан сўнг бизга фироқ ҳам гўшаи вайронаси.

Жомий беҳуд бўлди ғамнинг жомидан бир қул ичиб,
Вой, гар ҳижрон соқийси тўлдирса ул паймонаси.



* * *

Оллоҳ, қандай нозанин бўлдинг ўзинг,
Офати ақл, ҳушу дин бўлдинг ўзинг.

Мен бедилликда чунонки, сўрма ҳеч,
Дил олишда то чунин бўлдинг ўзинг.

Зулф тобидан юзинг айлаб аён,
Ўйнатмакка жаҳди Чин бўлдинг ўзинг.

Бул лаби обдор ўтли лаълидан
Ҳусн узугида нигин бўлдинг ўзинг.

Жон билан мен камтарин банданг ўзим,
Қатлима жойи камин бўлдинг ўзинг.

Дил, йўқолдинг лаблари фикрида сен,
Пашшадек ғарқ ангубин бўлдинг ўзинг.

Жомий ул оғизу белнинг фикрида,
Нуктадону дақиқбин бўлдинг ўзинг.



* * *

Эйки, мендек сенда ҳар вайронада девонаси,
Оразинг ойида ул шамъи фалак парвонаси.

Яъқуб дард бул менинг дарду ғамим олдида ҳеч,
Қиссаи Юсуф сенинг ҳуснингдан бир афсонаси.

Жону дилнинг нақдини биз хоҳламасмиз ўз учун,
Йўлларингга сарф этармиз мисли дарвешонаси.

Холингга гар қўл узатдим, ортиқ этма поймол,
Мўрни ўлдирмоқ керакмас, қўлида гар донаси.

Хонумоним гар бузилди, шукр ишқ иқболидан,
Биз у ким, кўйи балода бордир меҳнатхонаси.

Бедилларга йўқ висолнинг ишратободига йўл,
Бундан сўнг бизга фироқ ҳам гўшаи вайронаси.

Жомий беҳуд бўлди ғамнинг жомидан бир қул ичиб,
Вой, гар ҳижрон соқийси тўлдирса ул паймонаси.



* * *

Дедим, жонбахш лабларинг асло Исодан кам эмас,
Деди, дамни ютки, сен шоистаи бул дам эмас.

Дедим, охир дил қуши топгай эшигингдан раҳо,
Деди, сен воқиф эмассан, жаъди ҳам дарҳам эмас.

Дедим, то кай дастингдан мен нола қилсам най каби,
Деди, нола қилма, кет, чун сен аҳли олам эмас.

Дедимки, ғам абридан ёғар ҳама дард ёмғири,
Деди, нега сабзадек сен ёмғирдан хуррам эмас.

Дедим, бўлди чок дилим, тутма дариф пайкониингни,
Деди, ушбу захм ила ичмоққа бир марҳам эмас.

Дедим, гар шод этмасанг ҳам, ғамни мендан қилма кам,
Деди, инсоф бўлса гар сен лоиқи ҳам ғам эмас.

Дедим, оғзинг розини сен ўртага солгин, санам,
Деди, Жомий кетки, сен бул розга маҳрам эмас.



* * *

Некулар³¹ шаҳрида мискин ғариби,
Ки, қон ичмақдин йўқ ўзга насиби.

Ажаб беморлигим ишқингдан бордир,
Ки, ожиз бўлди дармондан табиби.

Басе мендек топарсан ошиқ, аммо
Тополмам дунёда сендек ҳабиби.

Кўйингдан юз буролмас гарчи кўрсам,
Жафо тигила ҳар ерда рақиби.

Жамолинг навбаҳорига келолмас
Бу Жомийдек хушилхон андалиби.



31 Некулар - яхшилар

* * *

Манамким, бедилу беэтиборлик,
Фариблик, бенасиблик, хоксорлик.

Солурсан иссиқ оқдан ўт чақмоқдек,
Шамъдек дил ўти шабзиндадорлик.

Экибман ишқ ғамин дилга уруғин,
Ки, йўқдир менда ўзга қору борлик.

Парешондир бу ишқдан рўзгорим,
Парешонларга бахш эт рўзгорлик.

Ишим ошуфта ишқингдан бўлибди,
На бул ошуфтадан олсанг гар қорлик.

Мени айб айлама, ўтди гуноҳ гар,
Кичикларда гуноҳмас айбу орлик.

Гуноҳимни кечиргил деб келибман,
Сариқ юз, кўзлари нам ашқборлик.

Йўлинг тупроғидан кам мен, бўлар ҳайф,
Дили покингга қўнса гар ғуборлик.

Совуқ оҳинг ила хуш бўл, Жомий,
Ки, қишдан сўнг келур албат баҳорлик.



* * *

Эй, жамолинг офтобидан ойга шармандалик,
Ҳар гадоингга қилур шоҳлар мақоми бандалик.

Оразингдан пардани олиб, дединг, ойинг ўзим,
Ваҳки, бахтим юлдузи бундан топар фархундалик.

Ишқ бозорида шоҳликни матоси арзимас,
Бунда лозим йўқлигу маскинлигу афкандалик.

Кўзларим кўп йиғламоқдин чун хароб бўлди, бале,
Хонага офат тушар кўп бўлса гар ёғандалик.

Жомий ўлганди фироқнинг дарди, ҳижрон доғидан,
Қайта васлинг накҳати бахш этди унга зиндалик.



* * *

Эйки, кўзинг афсуни сармояи девоналик,
Ошноларингга барча ҳешу ҳам бегоналик.

Оразинг шамъи ёқар ҳар жойда ҳуснинг базмини,
Хублар истайди Худодан давлати парвоналик.

Зоҳиди хилватнишин не билгай риндлар шевасин,
Товус рафторин қилолмас асло қушки, хоналик.

Оқилликнинг тоғидан туш, бор тариқи ишқда
Оқиллик — девоналик, девоналик — фарзоналик.

Эйки, дейсан сабр этмоқда эрур мардоналик,
Кетки, Жомий кўлидан келмас бундай мардоналик.



* * *

Не қусур етгай хирадга ва на динга бир халал,
Дил агар берсам гизолга, куйласам ё бир ғазал.

Жом суви бирла ювай илму ҳунарнинг дафтарин,
Гар буюрмас ишқ пири менга ўзга бир амал.

Нуқсимнинг даъвосига йўқдир далилнинг ҳожати,
Бул масалда менда ҳеч бир кимса бирла йўқ жадал.

Нақди умринг бўлмаса гар, қилмагин унга бадал,
Дилбаринг савдосигаким, ўзга йўқ унга бадал.

Қандайин ул нодира ёрнинг нишонидан десам,
Айтиб бўлмас бир мисолу айтиб бўлмас бир масал.

Қилма кам айтмоқ ғазални, Жомий, парво қилмагин,
Таъна урса гар дағолу этса рад гар бир дағал.



* * *

Эй, менинг ишқинг аро ҳар дам ишим ҳайронлик,
Ҳамда уммидинг биёбонида саргардонлик.

Ҳажринг мушкил қиссаси, ўлмоқдин осондир манга,
Балли, ҳар душворликдин сўнгра бор осонлик.

Ғамнинг дастурхонида мендан суяклар қолдиким,
Менга амр этсанг, итингни қилгум мен меҳмонлик.

Сенсиз жон зиндондир, эйки, қасдима тиф боғладинг,
Очгин раҳматли қўлинг, то тарк этсам зиндонлик.

Баски ҳаргиз васлинг уйи тўрига йўқ менга йўл,
Кўйдим олисдан кўйингга бош ила пешоналик.

Ошкора йиғламоқдин, айш комим бўлди талх,
Ул ширин лабдан карам қил, хандаи пинҳонлик.

Бўлди кекса Жомий, ичгач қўлларингдан қатра май,
Унга суз, то қилса ул бир қатра пирафшонлик.



* * *

Кўз тикарман, кўзларингдан гоҳ-гоҳ,
То гирифторлар сари қилсанг нигоҳ.

Оразинг ҳижрони мендан олди хуш,
Ким, куёш вақти эдию вақти моҳ.

Қоматинг кўргач букилди сарви боғ,
Тубига қай тенг ўлар шохи гиёҳ.

Гар юзингдан ўзгани кўрди кўзим,
Мендан ортиқ бўлмагай бошқа гуноҳ.

Гар қабул этсанг, юборгайман сенга
Кўзларимнинг суви бирла узрхоҳ.

Субҳидамда бир совуқ оҳим гувоҳ,
Ким кўрибди тонгдан содиқ гувоҳ?

Билмадим, Жомий, дилимда не бу ўт,
Қандайин оҳ тортаман, қандай бу оҳ?



* * *

Дединг, айтгил, сен ўзинг ким ошиқу беморисан?
Сенга мен ошиқ ману, аммо сен кимнинг ёрисан?

Фитна бирла белни боғлаб, тортиб ғамза бирла тиг,
Барча сенга жон фидо, сен кимнинг дилозорисан?

Бўлди ҳажрингдан дилим ҳар лаҳзада афгорроқ,
Сен ўзинг ким марҳами бир дили афгорисан?

Ҳар кеча мену хаёлинг ҳамда ғамнинг бурчаги,
Кимга сен мунису ҳамда кимнинг сен ғамхорисан?

Қайгача кўйинг ғубори бўлсам, гоҳи мендан сўр:
Сен бу ерда не қилурсан, ким талабгор ёрисан?

Жомиё, ишқ бандидан сен тутма кўз озодлик,
Андиша қилгинки, кимнинг банди ичра борисан?



* * *

Узмасанг тан шаҳридан дил, мулки жонга етмассан,
Бул жаҳонга қўймасанг по, ул жаҳонга етмассан.

Ер руҳнинг пастлигию осмон ишқ зарраси,
То заминга боғланибсан, осмонга етмассан.

Саҳл эрур, булбул, қафасда икки кунлик бандалик,
Ундан қўрқилки, мабодо бўстонга етмассан.

Шаҳр фақеҳи не билур ишқнинг тилин, бул ҳарфни сен
Демагил, то ки ҳарифи ҳамзабонга етмассан.

Етгай олисдан жарас бонги садосию вале
Ухлама йўлда, мабодо карвонга етмассан.

Ишқдан сўрма нишону кеч нишоннинг баҳридан,
То асирдурсан нишонга, бир нишонга етмассан.

Жомий, сенсан шул ҳақиқат сирру асрор пардаси,
Ҳеч гумон қилма, ўтиб бундан, сен онга етмассан.



* * *

Эй гамингким, кимса орзу жонидан,
Дардинг кимса мояи дармонидан.

Қилмасанг фармон агар, дармон надир?
Бўлмассан бахтли биров фармонидан.

Ваҳки, қандай шамъки, нурунг чиқмагай,
Ҳеч бировнинг кулбаи эҳзонидан?

Сендан афғон қилдику аммо нечук,
Парво қилмайсан биров афғонидан?

Ояти раҳмат ўзинг, эй ой вале
Кай тушарсан сен бировнинг шонидан?

Жону бош берсак қўярсан гар қадам,
Бош аёғингла бировнинг жонидан.

Қўймасанг гар бундаин саркашлигинг,
Жон тўкай сенга биров жононидан.

Офарин, Жомийки, бундай бир газал
Топмагайсан ҳеч биров девонидан.



* * *

Кўйи бошида бу жисмим хок бўлса, кошки,
Поймоли ул бути чолок бўлса, кошки.

То мени бир кун кўйига, эй сабо, элтар эсанг,
Бул тани хоким хасу хошок бўлса, Кошки.

Қайгача чоки гиребонимга носеҳ таънаси,
Тигидан сийнам агар юз чок бўлса, кошки.

Гар саманд оёғи куйса доғидан, юз ҳайф эрур,
Доғидан куйган дили ғамнок бўлса, кошки.

Кеча отлиқ келди ҳам фитрокида юз сайд ила,
Банда Жомий банди ул фитрок³² бўлса, кошки.



32 Фитрок – узанги.

* * *

Ҳар дамда ўзга кўз ичида хона қилурсан,
Ҳамхоналикни мардуми бегона қилурсан.

Гар дилга нишон ҳажр жойин доим берарсан,
Девонани жойин вале вайрона қилурсан.

Эй чарх, олиб чўқдирарсан қўлларимни, сўнг
Жисмим хокини чун лойи паймона қилурсан.

Эй шамъ, ҳуснинг базмини ҳар дамда ёритгай
Ул дил оташиким, сари парвона қилурсан.

Эй дил, суғорарсан кўзим ашкила ҳолин,
Лек тарбиятнинг абрила файз дона қилурсан.

Мушкин сочининг занжирини тонги сабо, оч,
То кай жингила сочу зулфин шона қилурсан?

Жомий, мадраса бормоғинга энди ҳожат йўқ,
Вақт ўлдики, йўлинг сари майхона қилурсан.



* * *

Бундайин бир қомати болоки, сен,
Ким эрур ул сарви дилороки, сен.

Юз ўликка жон берарсан дам ила,
Ушбу кун Исо Масеҳ аммоки, сен.

Қанча дейсанки, дегил, ким жонисан?
Эй Худо ҳаққи, бути раъноки, сен!

Биз не қилсак, то ки ошиқ бўлмасак,
Бўлса бундай сурати зебоки, сен.

Жомиё, овоза бўлгай ишқ аро,
Бундайин гар волаю шайдоки, сен.



* * *

Бас, фигур жонимдасан, ҳар кўзи бедорим, ўзинг,
Гар узоқдан ким кўринса, ўйласам, ёрим, ўзинг.

Улки, жонин ютқазар, лек раҳм этмайсан, ўзим,
Улки, қон тўккай, қилур кўп жабру озорим, ўзинг.

Гар талаф бўлибди жон, басдурки, жононим ўзинг,
Гар дилим қўлдан кетар, не ғамки, дилдорим ўзинг.

Гарчи ғамнинг дастидан юз хору зорлик етса ҳам,
Не ғамим бор, эй азизим, баски ғамхорим, ўзинг.

Кундузи саргашта нур, зулматли кечамдан нишон,
То ул ой юзлик билан шамъи шаби торим ўзинг.

Ғамли тунларда, худо дардимни кимга айтайин?
Сабри озу андўҳи кўпдин хабардорим, ўзинг.

Гарчи олмассан висол бозорида ҳеч нарсани,
Худфурўшлик айладим мен, деб харидорим ўзинг.

Дединг, Жомий, ўзга ёрни истама, ёринг ўзим.
Истамасман бошқа бир ёр, баски сен ёрим ўзинг.



جامی، از استادان غزل در شعر کلاسیک فارسی است. بسیاری از غزل‌های او به تأسی از سرآمدان غزل فارسی چون سعدی، حافظ، مولوی، کمال و امیر خسرو دهلوی سروده شده است. به همین دلیل، علیشیرنوایی در دیوان

فانی خود که به فارسی سروده شده است، از جامی پیروی و تتبع کرده و بارها به این نکته اشاره نموده است:

زین نظم نو چرخ کهن یکباره گو، حیرت مکن
فانی چو تعلیم سخن دارد ز جامی بارها

از اوایل قرن نوزدهم میلادی، میراث ادبی و علمی مولانا عبدالرحمان جامی مورد توجه ادیبان، خاورشناسان و مترجمین اروپایی قرار گرفت و به همین اساس اغلب آثار جامی از قبیل «نفحات الانس»، «لیلی و مجنون»، «بهارستان»، «سلامان و اقبال» و «یوسف و زلیخا» به زبان فرانسوی، «لیلی و مجنون»، «یوسف و زلیخا» و

«بهارستان» او به زبان آلمانی، «تحفة الاحرار»، «سبحة الابرار»، «سلامان و اقبال»، «نفحات الانس»، «رساله‌ی

قافیه»، «یوسف و زلیخا»، «بهارستان» و «طوایح» جامی به زبان انگلیسی ترجمه و چاپ شد. بعدها نمونه‌هایی از

آثار او به زبان‌های عربی، هندی، ترکی، روسی، آذری، ازبکی و سایر زبان‌های جهان نیز ترجمه گردید. در قرن

بیستم یک چند نمونه از غزل‌های حضرت مولانا جامی به زبان ازبکی منظوم ترجمه شده بود. ولی کتاب حاضر،

اولین کتابی است که ۱۲۰ غزل جامی را در بر می‌گیرد و زحمت ترجمه منظوم این غزلها را به زبان ازبکی

جناب آقای حیات نعمت سمرقندی از شاعران معاصر تاجیک، به انجام رسانیده است. می‌توان گفت در ترجمه

غزل‌ها موفق بوده است.

رایزن فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران در ادامه رسالت خطیر فرهنگی خویش معرفی شخصیت

فرزانه شعر و ادب فارسی عبدالرحمن جامی و چاپ غزلیاتش را در دستور کار خویش قرار داد و در این رهگذر

همراهی‌های جناب آقای دکتر جعفر محمد ترمذی رفیق راهمان بود. ضمن ابلاغ مراتب سپاس به مترجم

فرهنگی استاد حیات نعمت سمرقندی این اثر نفیس ادبی را تقدیم جامعه فرهنگی و ادبی ازبکستان می‌نماییم.

این کتاب ترجمه غزلیات جامی به زبان ازبکی مقبول طبع دیرپسندان عرضه شعر و ادب ازبکستان واقع گردد.

حبیب صفر زاده

رایزن فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران

ازبکستان - تاشکند

فروردین ۱۳۸۷ - آوریل ۲۰۰۸

بسم تعالی

مولانا عبدالرحمن جامی یکی از شاعران و متفکران بزرگ ادبیات کلاسیک فارسی است که در حوزه‌ی ادبیات و زبان، تصوف و عرفان، فلسفه و کلام، موسیقی و عروض، فقه و اخلاق ظهور کرده است. جامی از چهره‌های برجسته‌ی تصوف و عرفان در قرن نهم هجری بود و در این زمینه نیز مواریث گرانمایه‌ای از خود به یادگار گذاشته است. در سرودن شعر فارسی نیز یکی از سرآمدان شعر و ادب مشرق زمین به شمار می‌آید. بی‌جهت نیست که او را به عنوان «خاتم الشعراء» ادبیات فارسی نام برده‌اند. جامی در حوزه‌های ادبی و علمی هرات قرن نهم هجری بسان ستاره‌ای تابناک درخشید و در رشد شعر فارسی نقشی مؤثر ایفا نمود. امیرعلیشیر نوایی یکی از سرآمدان ادبیات کلاسیکی ازبک، از مریدان و شاگردان و ارادتمندان شیخ جام بوده است و نسبت به استاد و پیر خود ارادت تمام داشت به پاس همین احترام و ارادت، اثری با نام «خمسة المتحیرین» نگاشت. قهرمان اصلی این اثر حضرت مولانا شیخ عبدالرحمان جامی است که در بین چهار تن دیگر از یاران دانشورش، جایگاه و مقام ویژه‌ای داشته است.

جامی از مثنوی سرایان و خمسه سرایان بزرگ ادبیات فارسی است و حتی می‌شود گفت تنها شاعری است که خمسه سرایی را به هفت رسانیده و داد سخنوری داده است. سه دیوان غزلیات جامی تحت عناوین «فاتحه الشبَاب»، «واسطه‌العقد» و «خاتمة‌الحیات» از شاهکارهای شعر فارسی به شمار می‌رود.

امیر علیشیر نوایی، شاگرد وفادار و دوست همسلك جامی، در سوگ استاد خود مرثیه‌های جانگدازی سروده و از جمله گفته است:

به نمازت که هزاران ز بشر پیوستند صد هزاران ز ملایک به هوا صف بستند

مشهور است در روز وفات جامی تمام شهر لباس ماتم پوشید و نوایی تا یک سال عزادار ماند به خاطر همین محبت و توجه که حضرت جامی به نوایی و نوایی به جامی داشته است، ملت ازبکستان عشق و علاقه و محبت و احترام بی‌اندازه‌ای به این شخصیت برجسته‌ی عالم ادب و عرفان فارسی دارند و به دلیل همین محبت، هر سال در ازبکستان ده‌ها مقاله و اثر تحقیقی پیرامون زندگی، آثار و افکار جامی به چاپ می‌رسد.

МУНДАРИЖА

| | |
|-----------------|-----|
| Сўзбоши | 3 |
| Ғазаллар | 9 |
| Муқаддима | 130 |

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

ҒАЗАЛЛАР

**Форсайдан
Ҳаёт Неъмат Самарқандий
таржимаси**

Мухаррир: *Ж. Муҳаммад*
Бадиий муҳаррир: *Б. Камол*
Мусахҳиҳ: *С. Ҳасан*

Босишга рухсат этилди 04.03.2008 й. Бичими 60 x 84 ¹/₁₆. Офсет қоғози.
TimesUz гарнитураси. Кегли 10. Шартли босма табоғи 7,5. Нашриёт
ҳисоб табоғи 7,25. Адади 500. нусха. Буюртма № 37-к.

غزلیات جاهلی

ترجمه منظوم به ازبکی



رایزنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران
ازبکستان - تاشکند

اردیبهشت ۱۳۸۷